**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЗООЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**“Сурхон” давлат қўриқхонасида учрайдиган судралиб юрувчи хайвонлар ва уларнинг биоэкологик хусусиятлари”**
мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Бажарди:** Биология таълим йўналиши 4-курс талабаси Маматмўминов Илхом Эркинович

______________

**Илмий раҳбар:**

к.ўқ. Б.Рахматуллаев

_____________

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

-------- сонли баённомаси “------” ----------------2018 йил

Термиз-2018

**Мундарижа:**

КИРИШ...........................................................................................................3

- Мавзунинг долзарблиги
- Битирув малакавий ишининг предмети
- Битирув малакавий ишининг объекти
- Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари
- Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги
- Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти
- Битирув малакавий ишининг методлари.
- Элон қилинганлик даражаси
- Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми

I-БОБ.АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.......................................................................8

1.1 Сурхон давлат қўриқхонаси ҳайвонот дунёси ва судралиб юрувчи ҳайвон турларининг ўрганилиш тарихи ......................................................................8

II-БОБ. ТАДҚИҚОТНИНГ МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАРИ......................12

2.1. Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудига табиий-географик тавсиф...........14

2.2. Тадқиқот давомида фойдаланилган методлар.........................................21

III-БОБ. СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР СИНФИГА МАНСУБ СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИДА УЧРАЙДИГАН ҲАЙВОН ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА БИОЭКОЛОГИК ТАВСИФ..........................................................23

3.1. Қўриқхона ҳудудида учрайдиган тошбақалар туркумига мансуб ҳайвон турлари ва уларга биоэкологик тавсиф .........................................................30

3.2. Қўриқхона ҳудудида учрайдиган калтакесаклар ва уларга биоэкологик тавсиф ...............................................................................................................31

3.3. Қўриқхона ҳудудида учрайдиган илонлар ва уларга биоэкологик тавсиф ...........................................................................................................................35

3.4. Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган ноёб судралиб юрувчи ҳайвон турлари ва уларни муҳофаза қилиш...............................................................41

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР..........................................................................47

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙҲАТИ.........................................50

ИЛОВАЛАР.........................................................................................................52

# Кириш

Биологик хилма-хиллик жамиятнинг барқарор ривожланиш омилларидан бири бўлиб, жамиятнинг иқтисодий, экологик ва маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг долзарб ва салоҳиятли ресурси ҳисобланади. «Биологик хилма-хиллик» ёки «биохилма-хиллик» тушунчаси ердаги барча ҳаётнинг хилма-хиллигини, ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар, уларнинг генлари ва экотизимларини англатади. Биохилма-хиллик уч босқичда кўриб чиқилади: турлар хилма-хиллиги, турлар доирасидаги генетик хилма-хиллик ва экотизимлар хилма-хиллиги. Уларни ҳимоя қилиш, ривожланишини қўллаб-қувватлаш келажак авлодлар ижтимоий фондига ҳисса қўшиш билан баробар ҳисобланади.

Биологик хилма-хиллик биосферани шакллантиради, унда бошқа биологик турлар билан бирга инсон ҳам истиқомат қилади. Кейинги даврда инсон биосферага табора талофатли таъсир кўрсатмоқда. Оқибатда иқлимий ўзгаришлар, чўлланиш жараёнининг кучайиши, ўрмонзорларнинг қисқариши, ҳайвонот оламининг айрим вакилларининг ер юзидан йўқолиб кетаётганлиги, ер деградацияси ва бошқа қатор глобал ва маҳаллий экологик муаммолар пайдо бўлди ҳамда инсоният цивилизациясига хавф сола бошлади. Бугунги кунннинг глобал устувор аҳамиятга эга масалаларидан бири биохилма-хилликни ўрганиш ва сақлаш эканлигини англаб етган инсоният табиатни муҳофаза қилиш ишига янгича назар билан қарамоқда. 1992 йилда БМТ нинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди ва уни 156 мамлакат имзолади. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг барқарор ривожланиши учун биологик ресурсларнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, 1995 йилда биохилма-хиллик тўғрисидаги Халқаро конвенцияга қўшилди ва «Биохилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси» ни ишлаб чиқди. Ушбу ҳаракат режаси 1998 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 139-сонли қарори билан тасдиқланди.

Республикамиз табиати турли-туман ўсимлик ва ҳайвон турларига бой бўлиб, улар ҳар хил табиат мажмуаларида учрайди. Атроф-муҳитни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда бошқа табиат унсурларини авайлаб асраш инсониятнинг ҳозирги вақтдаги асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби шуки, инсон ўзининг хўжалик фаолияти ва бевосита таъсири билан табиатни, унинг турли ўсимлик ва ҳайвонлар жамоаларини, биоценозларини ўзгартириб юборди. XIX-XX асрларда инсон ва унинг хўжалик фаолияти табиат ҳамда унинг объектларига кучли таъсир кўрсатди. Айниқса, бу соҳада сув ҳайвонлари, жумладан балиқлар  инсондан азият чекмоқда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири еканлигини эътироф етган ҳолда юртбошимиз И. А. Каримов  “Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини купайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак” деб бежизга айтмаган.

Ёввойи ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ўрганиш ва уларни муҳофаза қилиш ишлари мамлакатимизда бугунги кундаги долзарб масалалардан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларида бу масала бевосита ўз аксини топган. Жумладан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ва бошқа қонун ҳамда ҳукумат қарорлари ёввойи табиатни асраш ва уни кўпайтиришга қаратилган ҳужжатлар ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти ҳам Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос табиат мажмуаларига эга бўлган ҳудуди бўлиб, ушбу ҳудуд  ҳайвонот дунёсининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Ҳайвонларнинг баъзи турлари мазкур ҳудудда пайдо бўлган бўлса, айрим турлари бошқа ҳудудлардан ўтган. Сурхондарё табиатининг чўл ёки воҳаларида, тоғ ёки тўқайзор ўрмонларида–ҳамма  жойида ўзига хос ҳайвон турлари тарқалган. Биохилма–хилликни сақлашда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги судралиб юрувчи ҳайвонлар

ёки рептилиялар (**Reptilia**) синфига мансуб ҳайвон турларини ўрганиш ҳамда кўпайтириш, популяцияларни қайта тиклаш ишларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Ўзбекистондаги қўриқхоналар, давлат буюртмалари, ўрмончилик хўжаликлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар эътиборга моликдир. Айниқса, қўриқхоналарда ҳайвон ва ўсимлик турларини муҳофаза қилиш, уларнинг экологиясини ўрганиш, кўпайтириш муаммоларини ҳал қилишга оид тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

**Мавзунинг долзарблиги**. Қўриқхоналар маълум бир худуддаги экотизимлар, уни ташкил этувчи ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳамда уларнинг ирсий яхлитлигини муҳофаза қилиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва кўпайтириш мақсадида ташкил этилади. Ана шундай қўриқхоналардан бири Сурхондарё вилоятида ташкил қилинган Сурхон давлат қўриқхонаси ҳисобланади. Ушбу ҳудудда учрайдиган ноёб ҳайвон турлариининг анча кам урганилганлиги ва мониторинг ишларининг узлуксиз олиб бориш ҳамда якуний хулосалар чиқариш лозимлиги, қўриқхона ҳудудида олиб борилаётган тадқиқотлар кенг қамровли эмаслиги мазкур ҳудудда учрайдиган судралиб юрувчи (**Reptilia**) ҳайвон турлари вакилларининг ушбу ҳудуддаги биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда мониторинг олиб боришни амалга оширишга сабаб бўлди. Қўриқхонада учрайдиган маскур синф вакилларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, ареалининг чегараланиб қолаётганлиги сабабларини ўрганиш, табиатда кўпайтириш муаммосини ҳал қилиш, муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвонларнинг турлар таркибини аниқлаш, аниқланган турларининг экологик-фаунистик характеристикасини баён этиш ва уларни мухофаза килиш чора -тадбирлари тўғрисида маълумот бериш.

**Битирув малакавий ишининг объекти**. Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвонлар.

**Ишнинг мақсади ва вазифаси.** Ушбу тадқиқот ишининг амалга оширилишидан асосий мақсад Кўҳитанг тоғидаги, шу жумладан, мазкур тоғ минтақасида жойлашган Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвон турлар таркибини ўрганиш, уларга биоэкологик тавсиф бериш, ҳудуддаги мониторингини амалга ошириш ва ноёб судралиб юрувчи ҳайвонларни муҳофаза қилишга доир тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвон турлар таркибининг экологик-таксономик характеристикаси баён этилди.

Келтирилган маълумотлар Сурхон давлат курикхонасида учровчи судралиб юрувчи хайвонлар тугрисидаги охириги маълумотлар сифатида қайд этилмокда.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти**. Тадқиқот натижасига кўра Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвон турларининг тур таркибини бўйича маълумотлар олинди.

**Битирув малакавий ишининг методлари**. Илмий изланишлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар тадкикот ишларида кенг қўлланиладиган *Маршрут, Кузатиш* ва статистик маълумотларни тахлил килиш методлари асосида бажарилди.

**Эълон қилинганлик даражаси.** Битирув малакавий иш натижалари Зоология кафедраси қошидаги Зоология ва Ёш фаунист илмий тўгаракларида маъруза қилинган.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иши компьютерда 70-бетда баён қилинган бўлиб, кириш, III боб, умумий хулосалар, тадқиқотлар давомида фойдаланилган адабиётлар рўйхати,11 та расм ҳамда 13 та жадвалдан иборат.

# I- БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

## 1.1. Сурхон давлат қўриқхонаси ҳайвонот дунёси ва судралиб юрувчилар (Reptilia) синфига мансуб ҳайвонларнинг ўрганилиш тарихи

Сурхон давлат қўриқхонаси ва ушбу қўриқхона жойлашган Кўҳитанг тоғидаги учрайдиган ҳайвонот дунёсига доир тадқиқотлар, маълумотлар асосан XX-асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврга тегишли бўлиб, ўз даврида Кўҳитанг тоғидаги ҳайвонлар дунёсига доир маълумотларни Д. Н. Кашкаров, О. Богданов, Ғ. Султонов, Р. Мекленбурцев, Д. Железняков, Г. Ишунин, Н. Воложенинов, В. Цалкин, Л. Степанян, Х. Солихбоев, Т. Ядгаров ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари айниқса алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўз даврида Кўҳитанг тоғида учрайдиган айрим тур ҳайвонларга экологик таъриф беришган. Улардан қушлар оламининг Куҳитанг тоғларида тадқиқ этилиши Н. Зарудний, Л. Степанян, Х. Солихбоев, О. Богданов ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ.

О. Богданов ўзининг "Ўзбекистон ҳайвонлари" китобида ушбу ҳудудда учрайдиган айрим судралиб юрувчилар, сутэмизувчи ҳайвонларга ва қуш турларига, жумладан, болтаютар, бургут, қора лайлак ва бошқаларга экологик жиҳатдан таъриф берган. Л. Степанян эса "Қуйи Шеробод ҳавзасидаги қушлар" асарида (1970) ушбу ҳудуддаги қушларнинг тур таркибига таъриф берган.

Шу билан бирга Х. Солихбоев ва С. Остапенко "Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё ҳавзаси) ҳудудидаги қушлар экологияси ва хўжалик аҳамияти " китобидаги мақоласида Куҳитанг тоғида учрайдиган айрим тур қушларнинг хўжалик жиҳатдан, жумладан овчиликда аҳамиятига эътибор қаратишган. Шунингдек, улар йиртқич қушларнинг тарқалишини ҳам қисман тадқиқ этганлар.

Сут эмизувчи ҳайвонларнинг экологиясига доир маълумотлар анчагина салмоқли бўлиб, бу борада Ғ. Султоновнинг "Ўзбекистонда бурама шохли эчки" мақоласи (1953), "Шеробод районидаги овчилик ҳамда хўжалик

аҳамиятга эга бўлган ҳайвон ва қушлари” (1939) мақолаларида ушбу ҳудуддаги айрим хайвон турларига экологик ва хўжалик нуқтаи назаридан таъриф берилган. В. Цалкин эса тоғ эчкилари ва қўйларини зоогеографик ва экологик жиҳатдан ўрганган (1944-1950 йилларда). 1953 йилда Д. Железняков Куҳитанг тоғидаги морхўр ва унинг популяцияси аҳволи тўғрисида маълумот бериш билан бирга ушбу ҳудудда қўриқхона ташкил этишга доир ўз тавсияларини берган. О. Богданов ушбу ҳудудда учрайдиган қўлқанотлилар, мушуксимонларни ўрганишга доир ўз маълумотларини берган. О. П. Богданов маъсуллигида чоп этилган “Ўзбекистон жанубидаги (Сурхондарё ҳавзаси) умуртқали ҳайвонларнинг экологияси ва хўжалик аҳамияти” (1964) тўпламида бир қатор олимлар томонидан Сурхондарё вилоятидаги, жумладан Куҳитанг тизмасидаги умуртқали ҳайвонларнинг экологиясига доир маълумотлар келтирилган.

Д.Н. Кашкаров, К.К. Флеров, В.Н. Каверзнев ва бошқалар морхўр тўғрисида маълумотлар беришган, лекин ушбу маълумотлар асосан маҳаллий аҳоли томонидан берилган маълумотлар эди, муаллифлар томонидан ҳеч қандай кузатиш ишлари олиб борилмаган. Морхўр ва унинг биоэкологиясига доир бирмунча тўлиқроқ маълумотлар Ғ. Султонов (1839) ва К. Цалкин (1945) томонидан берилган. Айниқса, Ғ. Султонов Куҳитанг тоғида олиб борган кузатиш ишлари натижасида бурама шохли эчки биологиясига доир қимматли маълумотларни берган. Улардан кейин Д.Ф. Железняков (1952) ва Г.И. Ишунин (1961) ҳам морхўр ҳақида тегишли маълумотларни беришган.

Куҳитанг тоғларида 1929 йилда Б. Виноградов кемирувчиларни ўрганиб чиқди. 1930 йилда собиқ СССР ФА нинг экспедицияси иш олиб борган. 1947-1955 йилларда Г. Ишунин Жанубий Ўзбекистондаги йиртқич ва туёқли ҳайвонларни тадқиқ қилди. О.П. Богданов қўлқанотли ҳайвонларни тадқиқ қилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар асосан 20-асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврга тегишли бўлиб, кейинги даврдаги тадқиқотлар асосан Сурхон давлат қўриқхонаси ташкил этилгандан сўнг уларнинг

сонини аниқлаш, кузатиш, учраш жойларини белгилаш каби йўналишларда олиб борилган. Жумладан, М.Метропольский, Е.Филатова, В.Солдатовларнинг “Материалы гнездящящейся фауне птиц хребта Кугитанг (Сурхандарьинская область, Узбекистан)” мақоласида Кўҳитанг тоғининг айрим ҳудудларида ўзлари учратган 184 тур қуш турлари ҳақида қисқача малумотлар келтирилган бўлиб, мазкур турларнинг ҳудудда учратилиши Н. Заруднийнинг маълумотлари билан солиштириб ўтилган (2012). Мазур ҳудудда учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвонларни ўрганишда айниқса О.Богданов, О.Сударев ва Т.Ядгаровларнинг меҳнати салмоқли ҳисобланади. О.Богданов Кўҳитанг тоғида учрайдиган судралиб юрувчилар, жумладан капчабош илон ва бўз эчкемарнинг ушбу ҳудудда учраш жойларига ўзининг “Судралиб юрувчилар экологияси”, “Туркманистон судралиб юрувчилари”, “Ўрта Осиё кобрасининг тарқалиши ва экологияси” каби асарларида батафсил тўхталиб ўтган. Ундан ташқари Куҳитанг тоғидаги судралиб юрувчи ҳайвон турларига доир тадқиқотларни Т. Ядгаров ҳам олиб борган.

Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвонларнинг биоэкологиясига доир маълумотлар Т.Холиковнинг айрим мақолаларида келтирилган, лекин мазкур маълумотлар асосан айрим судралиб юрувчилар синфига мансуб ҳайвонларнинг сони ва ҳудудда тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади .

Қўриқхона илмий ходимлари Т. Холиков ва С. Мамаражабовларнинг “Состоянии популяцей редких животных на территории Сурханского госзаповедника и околозаповедных территориях” мақоласида қўриқхона ва қўриқхона атрофидаги ҳудудларда учрайдиган ноёб умуртқали ҳайвон турлари, жумладан, судралиб юрувчи ҳайвонлар популяцияларининг аҳволи, учраш ҳудудлари ва ҳайвонларнинг сони тўғрисида етарлича маълумотлар келтирилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайдиган судралиб юрувчи ҳайвон турлари тўғрисидаги батафсилроқ бўлган маълумотлар 20-асрнинг 80-йилларигача бўлган даврга

тегишли ҳисобланади. Т.Холиковнинг маълумотлари ва Сурхон давлат қўриқхонаси “Табиат солномаси” илмий жамланмаларида келтирилган маълумотлар мазкур синф вакларининг кейинги даврлардаги биоэкологик хусусиятларини тўлиқ очиб бера олмайди, яъни судралиб юрувчиларга мансуб ҳайвонлар тўғрисидаги илмий маълумотлар жуда кам. Шу сабабли қўриқхона худудидаги судралиб юрувчи ҳайвонларни ўрганишга доир илмий тадқиқотлар давом эттирилиши лозим бўлган ишлардан бири ҳисобланади.

## II-БОБ. ТАДҚИҚОТНИНГ МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАРИ

Ушбу тадқиқот ишининг танланган объекти юқорида қайд этиб ўтилганидек, Кўҳитанг тоғида жойлашган Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган судралиб юрувчилар синфига (**Reptilia**) мансуб ҳайвонлар бўлиб, тадқиқотларимиз мазкур ҳайвон турларининг систематик таркибини аниқлаштириш, уларнинг Куҳитанг тоғи ҳудудида тарқалиши, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, мазкур турларга тегишли мавжуд статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва тегишли тартибда айрим турларга экомониторинг жиҳатдан тавсиф бериш ҳисобланади.

Сурхон давлат қўриқхонасида олиб борилган мавзуга доир тадқиқотларда судралиб юрувчилар синфига (**Reptilia**) мансуб ҳайвон турларининг ҳудудда учраши, сони, популяцияларининг аҳволи, айрим турларнинг этологик хусусиятлари ва бошқа жиҳатлари ҳақида тўпланган маълумотлар ўрганилди, 2016-2018 йиллар Сурхон давлат қўриқхонасининг илмий ҳисоботлари таҳлил қилинди, тадқиқот даврида тўпланган маълумотлар билан мавжуд маълумотлар таққосланиб, таҳлил қилинди..

2016-2018 йилларда олиб борилган тадқиқотлар жараёнида фанда қабул қилинган илмий-тадқиқот услубларидан фойдаланилди, жумладан, далада бевосита дурбиндан ва кузатиш трубасида кузатиш услуби, линияли маршрут ва таянч нуқтадан ҳайвонларни санаш услубидан, ҳаётий жараёнда қолдирилган изларни ўрганиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва бошқа услублардан фойдаланилди ҳамда кузатишлар олиб борилди. Ушбу тадқиқотлардан асосий максад Сурхон давлат қўриқхонасида ва қўриқхона атрофидаги ҳудудларда судралиб юрувчилар синфига (**Reptilia**) мансуб ҳайвон турларига тегишли маълумотлар тўплаш ва мониторинг ўтказиш ҳисобланиб, муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш натижасида тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Тадқиқотларда ҳайвон турларининг мазкур ҳудуддаги тур таркиби ва уларнинг сонини аниқлашга қаратилган ҳайвонот дунёси саноғи маълумотлари ҳамда уларнинг таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Сурхон давлат қўриқхонасида мавжуд ҳайвонот дунёси

саноғи маълумотлари, айниқса ноёб судралиб юрувчи ҳайвонларга тегишли маълумотлар статистик жиҳатдан таҳлил қилинди.

**2.1-жадвал.**

**Сурхон давлат қўриқхонасида олиб борилган тадқиқотларнинг муддатлари ва ҳудудлар**

| Вақти | Хатак, Хўжанқо | Қизил олма, Шалқон | Вандоб |
|---|---|---|---|
| 2016 йил | Май | Май | май |
| 2017 йил | ноябрь, декабрь | Декабрь | декабрь |
| 2018 йил | апрел, май | Май | |

Дала тадқиқотларида қўриқхона ходимларининг ва қўриқхона атрофида жойлашган Хатак, Хўжанқо, Қизилолма, Шалқон ва Вандоб қишлоқларида яшайдиган одамларнинг аноним маълумотларини тўпланди ва таҳлил қилинди. Маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда Сурхон давлат қўриқхонаси ходимлари, жумладан илмий ишлар буйича директор ўринбосари Т.Холиқов ва катта илмий ходим М.Маматқуловлар яқиндан ёрдам беришди.

Қўриқхона инспекторлари билан биргаликда 2017 йил 25-27 ноябрь кунлари ўтказилган ҳайвонот дунёси саноғида иштирок этиб, қўриқхона ҳудудида учрайдиган ноёб ва асосий ҳайвонларнинг Хатак бўлимидаги сонини маршрут ва таянч нуқтадан санаш услубида аниқладик. Ушбу маршрут Палангдара–Етимтоғ–Сойбоғ – Сафарбулоқсой– Олчабулоқсой– Шолухалик унгири – Ажинакамар –Туйнуккамар–Сафо қўтони – Қобилжанғил – Номсизсой–Чакоб–Олтикунликдара–Тошлиюртсой ҳудудлари орқали ўтган бўлиб, 8 км ни ташкил қилади. Бундан ташқари, Палангдара стационар саноқ нуқтасида 27.11.2017 йилда кечқурун соат

17.00. дан 20.00. гача таянч нуқтадан санаш услубида морхўр, бухоро қўйи, ёввойи чўчқа ва бошқа ҳайвонларни саноқдан ўтказдик.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижаларидан қўриқхонада учрайдиган судралиб юрувчилар синфига (**Reptilia**) мансуб ҳайвон турларининг таркиби хусусида ҳозирча аниқ ва якуний хулоса қилиб бўлмайди. Ушбу ҳудудда аноним маълумотларга кура олд осиё қоплони, тарғил сиртлон каби ноёб ҳайвонларнинг учраши тўғрисида маълумотлар олинди, лекин қўриқхона ходимлари томонидан мазкур турлар кейинги 15-20 йил ичида учратилмаган, жайрон ва тяньшан айиғи кейинги 10-15 йил ичида қўриқхона ҳудудида умуман учратилмаган. Шу сабабли ноёб ҳайвон турларини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қўриқхона чегараси билан аҳоли пунктларининг туташлиги бу каби ҳайвонларнинг тарқалиш ареалларини қисқаришига олиб келиши мумкин. Масалан, табиатан камёб турлар ҳам учрайдики, уларни антропоген омиллар таъсиридан муҳофазалаш алоҳида аҳамиятга эга. Судралиб юрувчи ҳайвонларга келсак, улар кўпинча яширин ва ярим яширин ҳаёт тарзида яшаганлари учун уларни ўрганиш, муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш алоҳида чора-тадбирларнинг амалга оширилишини талаб қилиши мумкин.

### 2.1. Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудига табиий-географик тавсиф

**Релеьфи.** Сурхон давлат қўриқхонаси денгиз сатҳидан 850 метрдан 3137 метргача баландликдаги ҳудудни ўз ичига олади ва Кўҳитанг тизмасининг шарқий ён багирларида жойлашган. Тизманинг ёнбағирлик хусусияти асосан шимолий-ғарбдан жанубий-шарқ томонга пасайиб боради. Энг юқори нуқтаси Айрибобо чўққиси бўлиб, ушбу тоғ 3137 метр баландликка эга. Қўриқхона рельефи мураккаб бўлиб, чуқур даралар ҳосил килиб оқадиган сойлар таъсирида парчаланиб кетган. Баландлиги 500-600 метрдан ошадиган қоялар тоғ юзасидан кўтарилиб туради. Улар асосан оҳактошли жинслар, гранит ва сланецли қатламлардан ташкил топган. Айрим жойларда қалинлиги 50-150 см келадиган кумир қатламлари ҳамда магматик жинслар учраб туради. Куҳитанг тизмасининг ғарбий ён бағирлари қия

бўлиб, Туркманистон Республикаси ҳудудига тегишли. Қўриқхонанинг ғарбий чегаралари Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги давлат чегараларига тўғри келиб, тизманинг юқори кесилмасидан ўтади. Куҳитанг тизмасининг шаркий ёнбағирлари тик бўлиб, даралар ва жарликлар жуда кўп. Бундай даралар (масалан, Олтикунлик, Чунгилдара, Тангидевол (Тангидовон), Куюкдара (Кийикдара), Заравутсой, Палангдара, Қўлдароздара, Қуруққулдара, Оқдара, Шомуроддара, Искандардара, Боғлидара, Чинқирдара ва бошкалар) қўриқхонанинг шимолий кисмларида кўп учрайди. Қўриқхона ҳудудининг ташқи томонида ноёб ҳайвонлар, масалан морхўр, жайрон, бухоро тоғ қўйи ва бошқа ҳайвонлар учрайдиган массив ва даралар - Кўлват, Зарвус, Қизил, Оқтош, Хўжаибеш, Даройигул, Панжоб, Хамкон каби жойлар кўп.

**Тупроқлари.** Сурхон давлат қўриқхонаси тоғли ўлкада жойлашганлиги туфайли ҳудудда тоғ тупроқлари шаклланган. Бу тупроқлар баландлик минтақаланиши асосида тарқалган ва асосий тупроқлари ҳамда уларнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Тоғ жигар ранг тупроқ – чиринди микдори 4-6% бўлиб, 2000-2500 метр баландликкача бўлган ҳудудда тарқалган.
2. Оч қўнғир тоғ тупроғи – чиринди микдори 4-5% бўлиб , 2500 метрдан баланд бўлган барча ҳудудларда тарқалган.
3. Тоғ ўрмон қўнғир тупроғи – чиринди микдори 8-10 % га етиб, асосан арчазор ва кенг баргли ўрмонзорларда тарқалган.
4. Тўқ тусли бўз тупроқлар қўриқхонанинг 1400-1500 метргача булган ҳудудини эгаллайди.
5. Тоғли ўтлоқ – ботқоқ тупроқлар – сизот сувлар ер юзасига яқин булган майдонларда тарқалган.

Тупроқларни ўрганиш шуни кўрсатадики, йилнинг қуруқ даврида тупроқларнинг юқори қатламлари сезиларли даражада қуриб қолади. Тупроқ қатламининг асосий қисми жигарранг-карбонатли хусусиятга эгадир. Қўриқхона ҳудудидан ташқари жойларда асосан типик бўз тупроқ тарқалган.

**Сувлари.** Сурхон давлат қўриқхонаси худуди кўплаб доимий ва вақтинчалик оқар сув манбаларига эга бўлиб, улар кўпгина кичик сой ва жилғалардан таркиб топган. Мазкур худуддаги сойлар арид, яъни қурғоқчил зонага хосдир. Улардан энг йириклари Лайлагансой (Тангидеволсой) ва Қизилолмасой дарёлари ҳисобланади. Лайлагансой ўзининг юқори оқим қисмида Тангидеволсой деб номланади. Мазкур сой қўриқхона худудининг шимолий чегараси бўйлаб жойлашган Тангидевол дарасидан оқиб ўтиб, Куҳитанг тизмасини кўндаланг равишда кесиб ўтади хамда адир зонасида жойлашган Хатак қишлоғи яқинида бир мунча текисроқ водийга чиқади. Қизилолмасой қўриқхонанинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, қўриқхона худудидан Қизилолма қишлоғига оқиб чиқади. Бошқа сойлар унча йирик эмас. Ушбу сойларнинг суви деярли қўриқхона худуди атрофида жойлашган дастлабки қишлоқлар эҳтиёжи учун сарфланади. Бундай сойлар таркибига Хўжанқосой, Шалқонсой, Қизилолмасой, Вандобсой, Кампиртепасой, Мачиллисой, Шахтасой, Бешболасой, Шержонсой, Олчалисой, Ўзбекистонсой ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг баъзиларида йил давомида сув оқса, баъзиларида ёғинларнинг тушиши ҳамда мавсумга боғлиқ равишда сув сарфи ўзгариб туради ёки йилнинг иссиқ даврида қуриб қолади. Куҳитанг тоғидан бошланувчи барча сой ва жилғалар Шеробод дарёси ҳавзасига мансуб бўлиб, кўпчилиги серсув эмас. Юқоридаги сойлардан ташқари уларнинг ирмоқлари бўлган Гўрдарасой, Чакчаксой, Пашшахона, Сариқамиш, Совуқбулоқсой, Олмабулоқсой, Қиркёнғоқсой, Лапкасой, Боғлидарасой, Заравутсой Қарақчакул, Савар, Дуобасой, Дўланабасар ва бошқа сойлар хам ўзига хос хусусиятларга эга. Сойларнинг оқиш йўналиши шимолий-ғарбдан жанубий-шарқ томонга йўналган. Ёз мавсумида асосан булоқлардан сув олади. Қиялик даражаси юқори. Сув сарфи баҳор фаслида ёмғирлар кўп ёққан ва қор эриган даврда анча ошиб кетади, айниқса апрель-май ойларида ўртача йиллик сув сарфи 1-1,5 $м^3$/сек. Ёзда сойлар саёзлашиб, сув сарфи 10-15 /сек.га тушиб қолади.

Кўхитанг тизмасининг грунт сувлари тизими мураккаб характердаги ёриқлар ва карст чўкмалар орқали ҳаракатланади, уларнинг ташқарига чиқиши турли тартибдаги ва генезиси ҳар хил бўлган тоғ жинслари оралиғида кузатилади. Айниқса ўзига хос тупроқ-релбеф шароитига эга бўлган жойларда сув сизиб чиқиб, ботқоқли ўтлоқлар хосил қилган. Улардан энг йириклари Шалқонсойнинг шимолий-шарқий ёнбағрида ва Қизилолмасой хавзасининг юқори ўнг ёнбағирларида жойлашган. Сой ва булоқлар сувининг минераллашганлик даражаси ҳар хил. Гидрокарбонатли, кальций-магнийли, сулфат-кальцийли шўрланиш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, шўрланиш даражаси 1г/л дан ошмайди. Бундай сувлар хар қандай турдаги эҳтёжлар учун қулай. Булоқларда сув сарфи бошқа мавсумларда баҳорги мавсум ва ёз бошланиши даврларидан катта фарқ қилади. Ёз-куз мавсумида булоқларда сув кескин камайиб, баъзиларида қуриб қолади.

Грунт сувлари анча пастда жойлашганлиги сабабли тупроқ хосил қилиш жарёнларига таъсир кўрсатмайди.

Қўриқхона ҳудудида Қайнарбулоқ, Олмабулоқ, Совуқбулоқ, Қорабулоқ, Илонбулоқ, Хўжаксар, Тошлиюртбулоқ, Толбулоқ, Олчабулоқ каби юздан ортиқ булоқлар сой ва жилғаларни сув билан таъминлаб туради.

Бундан ташқари табиий сув манба ва хавзаларидан бошқа антропоген характердаги сунъий ирригацион тизим хам қўриқхона худудида мавжуд бўлиб, ушбу тизимдаги ариқлар сой ва жилғалардан оромгоҳлар, боғлар ва бошқаларга олиб келинган.

Қўриқхона ҳудудидаги кўпчилик сойлар ўзани замини қаттиқ жинслардан таркиб топган жойлардан оқиб ўтади. Бундай жойларда сойлар ажойиб шаршара ва остоналар ҳосил қилиб оқади. Ана шундай шаршаралардан энг йириги Мачиллисой сойидаги Катта шаршара бўлиб, унинг баландлиги 10 метрдан ошади.

**Иқлими.** Сурхон давлат қўриқхонаси иқлимига Сурхон-Шеробод водийсида жойлашган чўлли текисликлар кучли таъсир қилади. Қўриқхона этакларида иқлим чўл иқлими бўлиб, баландликка кўтарилган сари ўзгариб

боради. Ёзда ҳарорат +40$^0$, +47$^0$ гача кўтарилса, қишда -15$^0$, -20$^0$ гача пасаяди. Ёғин кам, асосан ёмғир тарзида тушади ҳамда йил давомида нотекис тақсимланган. Энг кўп ёмғир баҳор фаслида тушади. Қор кам тушади ва тез эриб кетади. Қуёшга тескари ёнбағирлар ва унгурларда қор бирмунча давомли сақланиб, қор қопламининг қалинлиги 40-120 см га етади. Тез-тез гармсел ва афғон шамоллари эсиб, ёзда ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади.

Кўҳитанг тизмасида ҳароратнинг турли ёнбағирларда бир-биридан фарқ қилиши кўзга ташланади. Жанубий ёнбағирлар ям-яшил майсалар қопланган бир даврда, баъзан шимолий ёнбағирларда ҳали қор сақланиб турган бўлади. Кўпчилик ўсимликларда вегетация даврининг якунланиши қиш бошланиш даврига тўғри келади. Сурхон давлат қўриқхонаси иқлими контенентал, яъни тез ўзгарувчан типда бўлиб, иссиқлик ва ёруғликнинг кўп тушиши, қурғоқчил характердалиги билан ажралиб туради.

Қиш мавсумининг тугаб, баҳор мавсумининг бошланиш даври оралиқ даври (+5 даражадан кўтарилиш), қўриқхонанинг қуйи зонаси учун одатда 28 февралдан бошланади ҳамда илиқ давр 1 декабргача давом этади. Илиқ даврнинг давомийлиги 275-280 кун. Ёғиннинг ўртача тушиш кўрсатгичи жанубий ҳудудларда анча паст (90 мм) бўлиб, шимолий ҳудудларга томонга ўзгариб боради ҳамда ёғиннинг 70-80 % қисми қиш-баҳор фаслига тўғри келади. Ўсимликлар вегетацияси даврида ёғин тушиш кўрсатгичи жанубий ҳудудларда 30 мм, шимолий ҳудудларда 100 мм ни ташкил қилади. Кузги ёғинлар жала типида бўлиб, тупроқнинг устки қисмини ювиб кетиш характерида бўлади.

Қор октябрь ойининг иккинчи ярмидан тушади, март ойининг иккинчи ун кунлигигача ёғиб туради. Январь ойида қор қопламининг қалинлиги шимолий ёнбағирларда 100 см га, шамол аккумуляцияси кучли жойларда 2-3 метрга етади. Йиллик ёғинннинг нотекис тақсимланганлиги сабабли намлик режими ҳам нотекис тақсимланган. Қурғоқчил даврда ҳаво нисбий намлиги 25-30 % ни ташкил қилади.

Шамол ҳаракати ва кучлилик интенсивлиги ҳудуд учун ўртача даража хосдир. Қиш-баҳор мавсумида шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий йўналиш устун туради ҳамда 15 м.сек. тезликдан юқори кучли шамоллар эсадиган кунлар сони 15-20 кун ни ташкил қилиб, 70-80% қисми илиқ даврга тўғри келади.

**Ўсимлик дунёси.** Сурхон давлат ҳудуди ўсимлик турларига бой бўлиб, мутахассисларнинг фикрига кўра, 900 турдан ортиқ ўсимлик учрайди. Қўриқхонасининг пастки қисми адир минтақасига мансуб бўлиб, бу ерларда энг кўп тарқалган ўсимлик турлари ранг (илоқ) (Carex pachysylis), қўнғирбош (Poa bulbosa), майиншувоқ (Artemisia), қўзиқулоқ (Phlomis thapsoides), каррак (Cousinia resinosa), лолақизғалдоқ (Papover pavonium), андиз (Inula grandis), ширач (Eremurus olgae), итбурун наъматак (Rosa canina), далачой (Hupericum perforattum), ёввойи пиёз (Allium suvorovii) ва бошқалар ҳисобланади. Бу минтақадаги ўсимликларнинг кўпчилиги эфемерлар бўлиб, қўрғоқчил фаслда қуриб қолади.

Қўриқхонанинг тоғ минтақаси ўсимлик турларига бой бўлиб, мазкур минтақада арчазорлар ва кенг баргли ўрмонлар катта майдонни эгаллайди. Арчазорлар асосан зарафшон арчаларининг куйи қисмида аччик бодом (Amugdalis bucharica), тоғ олча (Prunus diviracata), ирғай (Cotoneaster multiflora), учқат (Lonicera mummuloriiflora), шумдарахт (Fraximus raibocapra), четан (Sorbus persica), дўланалар (Crataegus pontica ва C. turcestanica), наъматак (Rosa)нинг бир нечта тури каби дарахт ва буталар кенг баргли ўрмонларни ташкил қилади.

Ширачлар (Eremurus), лолалар (Tulipa), шувоқлар (Artemisia), ровоч (Rheun maximowiczii), пиёзлар (Allium), бетага (Festuca orientalis), астрагалар (Artagalus), буғдойиқ (Elytrigia trichophora), тоғ ялпиз (Zizipora pamiralaica), эспарцет (Onobrychis pulchella), чия (Ceresus alaica), тоғқўнғирбош (Poa memaralia), алқор (Medisia macrophulla), кийиккўт (Zizihora pedicellata), тоғжамбил (Thumus intertus), торон (Poly gonum), тиканли акантолимонлар

(Acantholimon) ва бошқа ўтчил ўсимликлар ўрмонларда хамда очиқ жойларда қалин қоплам ҳосил қилади.

Қўриқхонанинг арчазорлардан ҳоли бўлган ва юқори қисмларида тоғ ўтлоқлари мавжуд бўлиб, мазкур худудларда тоғшашир (Ferula tenuisecta), бетага (Prangoc pabularia), яйлов эспарцети (Onobrychis echidna), арпаўт (Hordeum brevisubutum), яйловранг (Carex melanantha), яйлов қўнғирбоши (Poa alpina) ва бошқа ўсимликлар кўп тарқалган.

Қўриқхона ҳудудида ҳозирги кунгача аниқланган юқори тузилишдаги ўсимлик турлари сони 807 турни ташкил этади. Бундан ташқари антропоген фаолият натижасида муқаддам ҳудудга олиб келиб жойлаштирилган 20 турдаги дарахт ва бута ўсимликлар руйхатга олинган. Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига киритилган ўсимликлардан 40 та ўсимлик тури учраши аниқланган бўлиб, Ноёб ўсимлик турларидан 20 дан ортиқ тур, Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё ҳудуди учун эндемик турлар ҳисобланади.

**Ҳайвонот дунёси.** Қўриқхонада ҳозиргача умуртқали ҳайвонлардан 26 тур сут эмизувчилар, 136 тур қушлар, 23 тур судралиб юрувчилар, 2 тур сувда ва қуруқликда яшовчи, 4 тур балиқлар синфига мансуб бўлган ҳайвонлар учраши аниқланган. Ҳайвонлардан ёввойи чўчқа, морхўр, бухоро тоғ қўйи, жайрон, бўри, тулки, тоғ сувсари, туркистон силовсини, бўрсиқ, шалпангкулоқ типратикан, узункулоқ куршапалак, ушан, кум куён, жайра, ўрмон сичкони, оддий дала сичкон, уй сичкони, курсичкон, туркистон каламуши, олакузан каби сутэмизувчи ҳайвонлар, бургут, болтаютар, қора ва оқ лайлак, каклик, тасқара, сариқ чумчуқ, киргий қора, калхат, кичик бургут, журчи, ок бошли кумой, жигалтой, итолги, чулдирок, укки, оддий бойкуш, япалоккуш, чил, коя каптар, мусича, кук каптар, ғуррак, оддий какку, кукқарға, ок багир узунканот, тилла ранг буздок, турғай, дашт турғай, қоякалдирғочи, қишлоқ қалдирғочи, ок жиблажибон, тоғ жиблажибони, маллабуйин қалдирғоч, заргалдок, соч чугурчук, майна, хакка, қора карға, гунгкарға, клушица(тоғ зағчаси), славка, буз туқай

чумчук, қузғун, зағча, қизил қуйруқ, туркистон дала чумчуғи, узункуйрук пашшахур, жануб булбули, арчазор вьюроги, кавказ қизилбош чумчуғи, арчазор болта тумшуғи, ола карға каби қушлар, судралиб юрувчилардан ўрта осиё тошбакаси, туркистон геккони, силлиқ геккон, туркистон агамаси, дашт агамаси, сарик илон, узун оёк сцинк, қалқондор сцинк, осиё такиркузлиси, олой такиркузлиси, кур илон, сув илон, накщдор чипор илон, кундаланг йулли чипор илон, туркистон капча бош илони, кўлвор илон каби турлар, балиқлардан туркистон маринкаси (қора балиқ), туркистон лаққачаси ва бошқа бир қатор ҳайвон турлари қўриқхона табиатида ўзига хос аҳамиятга эга.

Қўриқхонадаги муҳофазага олинган ҳайвонлардан 20 тур Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига , улардан 8 тур ҳайвон Ҳалқаро ТМҚИ "Қизил китоб" ига киритилган бўлиб, мазкур ноёб турларидан морхўр ёки бурама шохли эчки (Capra falconeri Wagner,1839), бухоро тоғ қўйи (Ovis vignei Blyth, 1841. ssp. Ovis orientalis bocharensis Nasonov, 1914), муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳайвонлар ҳисобланади. Қўриқхонада мунтазам учрайдиган туркистон силовсини, оқ бошли қумой, бургут, қора лайлак, итолғи, илонхўр бургут, тасқара, болтаютар, кичик бургут, чўл миққийси, туркистон капчабош илони, бўз эчкемар, туркистон лаққачасидан ташқари қўриқхона ҳудудида жайрон, оқ тирноқли айиқ, оқ лайлак ҳам даврий ёки баъзи йиллари учраб туриши қайд этилган.

Ноёб ҳайвонлардан 4 тур Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё ҳудуди учун эндемик турлар ҳисобланади.

## 2.2. Тадқиқот давомида фойдаланилган методлар

Сурхон давлат қўриқхонасининг судралиб юрувчилар дунёсини ўрганиш ишлари 2017-2018 йилларда бевосита қўриқхона ҳудудида дала тадқиқотларини ҳамда кузатиш ишларини олиб бориш, 2012-2018 йиллардаги Сурхон давлат қўриқхонасининг ҳайвонот дунёсига доир ҳисоботларини, "Табиат солномаси" йиллик жамланмаларини таҳлил қилиш, маълумотларни таққослаш натижасида амалга оширилди. Дала

тадқиқотларида қўриқхона ходимларининг ва қўриқхона атрофида жойлашган Хатак, Хўжанқо ва Вандоб қишлоқларида яшайдиган одамларнинг аноним маълумотларини тўплаш, уларни таҳлил қилиш, 2017 йил ноябрь ойида Сурхон давлат қўриқхонасида ўтказилган кузги ҳайвонот дунёси саноғида иштирок этиш (мазкур саноқ линияли маршрут ва таянч нуқтадан санаш услубларида ўтказилган), муқаддам ўтказилган саноқ маълумотларини таҳлил қилиш каби тадқиқот услубларидан фойдаланилди. Маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда Сурхон давлат қўриқхонаси ходимлари яқиндан ёрдам беришди. Ўтказилган ҳайвонот дунёси саноғи қўриқхона ҳудудида муқаддам белгиланган  7 та саноқ маршрутида ўтказилди. Кўп йиллик ҳайвонот дунёси саноғи маълумотлари статистик таҳлил қилинди.

Узоқ масофадан қушларни кузатиш ва фотосуратларини тайёрлаш ишлари AG-60 кўриш трубаси (подзорный труба) ва “Никон” русумдаги дурбин орқали олиб борилди ҳамда “Никон русумдаги фотоаппаратдан фойдаланилди. Ушбу мавзуга доир илмий адабиётлардаги маълумотлар ўрганилиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

## III-БОБ. СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР СИНФИГА МАНСУБ СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИДА УЧРАЙДИГАН ҲАЙВОН ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА БИОЭКОЛОГИК ТАВСИФ

Судралиб юрувчилар синфи вакиллари ер шарининг Антартикадан бошқа барча ҳудудларида тарқалган бўлиб, уларнинг 4400 дан ортиқ тури мавжуд. Рептилияларнинг асосий гуруҳлари экваториал, тропик ва субтропик минтақларда учрайди. Судралиб юрувчилар қуруқлик ва сувли муҳитларда ҳаёт кечирадилар. Қадимги аждодлари ҳаво муҳитида ҳаёт кечирганлар. Айниқса, илонлар ва калтакесаклар қутбий кенгликларгача тарқалган бўлиб, қолган биоэкологик гуруҳлар, яъни тошбақалар, гаттериялар ва тимсоҳлар анча тор доирада учратилади ҳамда уларнинг тур таркиби ҳам анча тор.

Тошбақаларнинг дунёда 210 га яқин тури мавжуд бўлиб, улар асосан тропик ва экваториал минтақаларда кенг тарқалган. Ўртача кенгликларда уларнинг тур таркиби камбағал. Масалан, Ўрта Осиё ҳудудида 3 тур учраса, ўртача кенгликларда 1 тур (ботқоқ тошбақаси) учрайди.

Гаттериялар таркибида фақат бир тур – гаттериялар сақланиб қолган ва улар асосан Янги Зеландия ва ундан жануброқдаги бир қатор сувсиз оролларида учрайди.

Буқаламунлар ёки хамелеонлар 90 га яқин турни ўз таркибига олади ва уларнинг асосий қисми Африка қитъасида учрайди.

Калтакесаклар таркибига 1600 дан ортиқ тур киради ва улар Антарктикадан бошқа барча қитъаларда кенг тарқалган. Илонларнинг 2300-2700 тури мавжуд. Мазкур гуруҳ вакилларига ҳам экватордан қутбларга томон борган сари тур туркибининг камайиб, тарқалиш ареалининг қисқариб бориши ўзига хос жиҳатлардан ҳисобланади.

Тимсоҳларнинг 21 тури мавжуд бўлиб, улар Америка, Осиё, Африка ва Австралияда тарқалган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларида судралиб юрувчиларнинг 67 тур ва кенжа турлари учраши қайд қилинган. Сурхондарё вилоятида 60 дан

ортиқ тур рептилиялар синфига мансуб ҳайвонлар учраши тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида судралиб юрувчилар синфи (**Reptilia)** вакилларининг 23 тури аниқланган бўлиб, улардан 3 тур ҳайвон Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоб”ига киритилган. Ушбу тур ҳайвонлар **туркистон капчабош илон (Naja oxiana), ҳинд бойгаси (Boiga trigonatum (Schneider, 1802) ssp. melanocephala (Annandale, 1904)) ва буз эчкемар (Varanus griseus)** бўлиб, улар нафақат Куҳитанг тоғининг, балки Ўзбекистон табиатининг дурдоналаридан саналишади.

Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган судралиб юрувчилар синфи вакиллари 2 та туркум вакиллари бўлиб, мазкур туркумлар тошбақалар (Testudines) ва тангачалилар (Squmata) туркумлари бўлиб, тошбақлар туркумининг 1 тури, тангачалиларнинг 22 тури руйхатга киритилган. Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган судралиб юрувчиларнинг систематик таркиби 2-жадвалда келтирилган.

Қайд этилган судралиб юрувчиларнинг 1 тури қуруқлик тошбақалари оиласига, 3 тур агамалар, 1 тур урчуқсимонлар, 2 тур гекконлар, 1 тур асл калтакесаклар, 3 тур сцинклар, 1 тур эчкемарлар, 1 тур бўғма илонлар, 6 тур сувилонлар, 1 тур аспидлар, 1 тур кўрилонлар ва 2 тур қора илонлар оилаларига киради. Мазкур таҳлилдан кўринадики, тур таркиби энг кўп сонда бўлган оила сувилонлар (**Colubridae)** оиласи ҳисобланади. Мазкур турлардан 11 тур калтакесаклар, 11 тур илонлар ҳисобланади.

Сурхон давлат қўриқхонасидаги судралиб юрувчилар турли-туман яшаш муҳитларида яшашади. Баъзи турлар сувли муҳитда, баъзилари қаттиқ субстратли муҳитларда, баъзилари дарахтли жойларда, баъзилари ер остида яшайдилар. Кўпгина турлар эса фақат бир муҳитда эмас балки аралаш муҳитда яшашни ёқтирадилар.

Сувли муҳитда яшайдиган судралиб юрувчилар Ўрта Осиё чўл тошбақаси ва сувилон турлари, ер остида яшайдиганлардан кўрилон турлари ҳисобланади. Қаттиқ субстратли муҳитда яшайдиган турлар дарахтларда ҳам

тез-тез учраб туради. Шу сабабли қўриқхонада учрайдиган қолган барча турларни аралаш муҳитда яшовчи турлар, деб ҳисоблаш мумкин. Сурхон давлат қўриқхонасининг қолган барча судралиб юрувчи ҳайвон турларини аралаш муҳитда яшайдиган ҳайвонлар тоифасига киритиш мумкин.

Қуйида мазкур синф вакилларининг айримлари тўғрисида тадқиқот даврида тўпланган маълумотларнинг таҳлили берилмоқда.

**3.2-жадвал.**

**Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган судралиб юрувчиларнинг систематик таркиби**

| Синф | Туркум | Оила | Тур сони |
|---|---|---|---|
| СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР **REPTILIA** | ТОШБАҚАЛАР **TESTUDINES** | *Қуруқлик тошбақалари* ***Testudinidae*** | 1 |
| | ТАНГАЧАЛИЛАР **SQUMATA** | *Агамалар* ***Agamidae*** | 3 |
| | | *Урчуқсимонлар* ***Anguidae*** | 1 |
| | | *Гекконлар* ***Gekkonidae*** | 2 |
| | | *Асл калтакесаклар* ***Lacertidae*** | 1 |
| | | *Сцинклар* ***Scincidae*** | 3 |
| | | *Эчкемарлар* ***Varanidae*** | 1 |
| | | *Бўғма илонлар* ***Boidae*** | 1 |
| | | *Сувилонлар* ***Colubridae*** | 6 |
| | | *Аспидлар* ***Elapidae*** | 1 |
| | | *Кўрилонлар* ***Typhlopidae*** | 1 |
| | | *Қора илонлар* ***Viperidae*** | 2 |

Сурхон давлат қўриқхонасидаги судралиб юрувчиларнинг ҳаракатланиши ва ҳаракатланиш услублари таҳлил қилинганда улардан илонлар танасини тўлқинсимон ҳаракатлантириш орқали ҳаракатланиши

кўринади. Улар бундай ҳаракатни тана скелети ва мушаклари ёрдамида амалга оширишади, бунда тўлқин бошдан думга томон давом этади ва танани олдинга итаради. Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган баъзи судралиб юрувчилар ҳам танаси, ҳам оёқлари билан ҳаракат қилади ёки душманларидан яширинади. Бундай турларга сцинклар оиласи вакилларини киритиш мумкин. Тошли ва қояли жойларда яшайдиган турларда оёқларидаги тирноқ учлари қайрилган бўлиб, оёқларининг тагида ёстиқсимон шаклда тузилган махсус тангачалар мавжуд. Тирноқлар ва ёстиқчалар ёрдамида гекконлар ва агамалар бемалол қояларга тез ўрмалаб чиқиб кета оладилар.

Қўриқхона ҳудудида яшовчи судралиб юрувчиларнинг овқатланиши ва овқат таркиби ўрганилганда, уларни овқат турларига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ўсимликлар билан овқатланадиган рептилиялар. Мазкур гуруҳ вакилларига Ўрта Осиё чўл тошбақасини, чўл агамаси, туркистон агамаси ва ҳимолай агамасини киритиш мумкин. Уларнинг асосий овқати ўсимлик ва уларнинг аъзолари ҳисобланади.

2. Ҳайвонлар билан овқатланадиган судралиб юрувчилар. Мазкур гуруҳ қандай ҳайвонлар билан озиқланишига қараб бир неча гуруҳчаларга бўлинади.

- ҳашоратлар овқатланадиган рептилиялар: гекконлар, тақиркўз калтакесаклар;
- амфибия ва балиқлар билан озиқланадиган рептилиялар: сувилон;
- қушлар ва уларнинг тухумлари билан озиқланадиган рептилиялар: чипор илонлар, кўлвор илон, эчкемар ва бошқалар;
- рептилиялар билан овқатланадиганлар: кўлвор илон, чипор илонлар, капча илон, эчкемар ва бошқалар.
- сутэмизувчи ҳайвонлар билан овқатланадиган турлар: чипор илонлар, кўлвор илон, капча илон ва бошқалар.

Мазкур ажратилиш нисбий ҳисобланади, чунки кўпгина турлар бир неча хилдаги озиқланиш манбаларидан фойдаланади. Масалан, Ўрта Осиё кобраси ва кўлвор илон майда сутэмизувчилар, қушлар, рептилиялар, амфибиялар ва бошқалар билан ҳам озиқланиб кетаверадилар. Бўз эчкемар эса ўргимчаксимонлар, ҳашоратлар, қурбақалар, калтакесаклар, илонлар, тошбақалар, қушлар ва уларнинг тухумлари, сутэмизувчи ҳайвонларни истеъмол қилади. Илонларнинг кўпчилиги тирик ёки янги ўлдирилган ўлжани ейишни ёқтирадилар, лекин баъзи турлар, масалан қум бўғма илони ўлимтик билан ҳам овқатланиб кетаверади.

Баъзи судралиб юрувчиларда каннибализм кузатилади. Масалан, кўлвор илонлар ўз турига мансуб майда илонларни еб қўяди, эчкемар, сариқ илон, тез калтакесакларда ҳам каннибализм ҳодисаси тез-тез кузатилиб турилади.

Рептилияларда ўлжани ушлаш ҳам ўзига хос тараққий этган. Кўпчилик рептилиялар ўлжасини пойлашни ёки билдирмасдан яқинлашиб ҳужум қилишни ёқтиради. Ўлжасини ушлашда жағлар, баъзан оёқлари, бошқа ҳолатларда танасидан фойдаланишади. Масалан, қум буғма илони ўлжасини ушлашда тана кучидан фойдаланади, тез калтакесак эса қўнғиз ва ҳашоратларнинг личинкаларини тупроқдан оёқлари билан ковлаб олади. Кўпчилик турларда асосан оғиз ва жағлар иштирок этади. Масалан, сувилон ўз ўлжасини қувиб етади ва жағлари билан тишлаб олади. Заҳарли илонларда ўлжани ўлдиришга ва овқатни ҳазм қилишга ёрдам берадиган заҳарли безлардан ажралиб чиқадиган заҳар мавжуд. Заҳарни ўлжага жунатишда улар юқори жағларида жойлашган заҳар тишлардан фойдаланади (Ўрта Осиё кобраси (капча илон), кўлвор илон, эфа). Рептилияларнинг ўз ўлжасини топиши ва ушлашида ривожланган ички қулоқ, сезгир айри тили ва бошқа баъзи аъзолар катта аҳамиятга эга.

Силлиқ гекконнинг овқат рационида 58,5 % ҳашоратлар, 48,5% ўргимчаклар ташкил қилган (О.Богданов). Ўрта Осиёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида калтакесакларнинг овқати таркибининг 56,9 % қисмини пардақанотлилар туркуми вакиллари ташкил қилган, уларни 37

турдаги калтакесаклар истеъмол қилган. Иккинчи ўринни қаттиқ қанотлилар (қўнғизлар) эгаллаган – 19,3%. Уларни 41 турдаги калтакесаклар еганлиги қайд қилинган. Учинчи ўринда сакровчи тўғриқанотлилар 4% (35 тур), кейинги ўринларни тангачақанотлилар, - 3,5% (34 тур), термитлар-3,2% (19 тур) эгаллаган ва ҳоказо.

Сурхон давлат қўриқхонасида биз туркистон агамасини ютаётган ранг-баранг чипор илонни кузатдик (Шалқонсой, 14.05.2018 й.). Илон ўз ўлжасини тириклайин бош томондан бошлаб ютиб юборди. Бошқа ҳолатда эса сувилон эса қора балиқни чаққонлик сувда қувиб етиб, оғзи билан ушлаб олганча сувдан чиқди, кейин сувилон ҳам чипор илон каби балиқни бошидан ютиб юборди (Тангидеволсой, 11.05.2018 й.).

Рептилияларнинг кўпчилигида жинсий деморфизм кучсиз намоён бўлади. Шу сабабли кўпчилик рептилияларнинг ўз жуфтини топишида ҳид билиш ва ҳулқ-атвор катта рол ўйнайди. Баъзи турларда иккиламчи жинсий белгилар ҳам пайдо бўлади.

Рептилиялар тухум қўйиш орқали кўпаяди, лекин баъзи турларда тирик туғиш кузатилади, масалан қалқонтумшуқ, қум буғма илони ва қум чарх илонларда шундай ҳолат қайд этилади.

Рептилияларнинг серпуштлиги турларга қараб ҳар хил бўлади. Масалан яшил денгиз тошбақаси бир йилда 1200 донагача тухум қўяди, кайман тошбақаси 80 донагача, тимсоҳлар 15 дан 99 тагача, сариқ илон ва бўз эчкемарлар 6-23 дона, агамалар 4-22 дона тухум қўяди.

Тухум қўядиган рептилиялар тухуми учун махсус жой тайёрлайди, баъзан маълум бир вақтгача тухум ва болаларини ҳимоя қилади. Қирол кобралари эса ҳаттоки, тухуми ва болалари учун ўсимликлардан уя тайёрлайди. Тирик туғар рептилиялар эса тухуми учун жой ҳозирламайдилар ва деярли ўз болалари учун қайғурмайдилар ҳам.

Рептилияларнинг ҳаёт кечириш давомийлиги ҳар хил. Гигант тошбақанинг 152 йил яшаганлиги қайд этилган. Рептилиялар табиатда ва тутқунликда турлича умр кечирадилар, масалан, тақир юмалоқбошли

калтакесак табиатда 1 йил, тутқунликда 3-4 йил яшаши мумкин, О.Богданов томонидан тутилган тўрт ёшларда бўлган кўлвор илон Рига ҳайвонот боғида 17 йил, қум чарх илони 15 йил яшаган (О.Богданов, 1965). Биз Хатак бўлимида учратган Ўрта Осиё тошбақасининг косасидаги йиллик ҳалқаларни санаганимизда 17 йил яшаганлигини аниқладик.

Рептилияларнинг табиатдаги душманлари мазкур синфнинг бошқа вакиллари билан бирга бошқа синф вакиллари ҳам уларнинг душманлари ҳисобланади. Кичик калтакесаклар чаён ва ўргимчаклар томонидан истеъмол қилинади. Қовоғарилар томонидан янги туғилган қум чарх илонларининг ейилгани Тошкент илон питомнигида кўп марта кузатилган. Қушлар орасида айниқса илонхўр бургут рептилияларни нобуд қилиш бўйича етакчи ҳисобланади, бундан ташқари, қарға, ботқоқ бўктаргиси, бургут, итолғи, бойўғли, болтаютар ва бошқа қушлар судралиб юрувчиларни кўплаб овлайдилар. Сутэмизувчилар орасида тулки, силовсин, мушуклар, сассиққузан, олкузан, чиябўри, типратикан ва бошқа ҳайвонлар ҳам рептилиялар билан озиқланадилар.

Табиатда турли табиий ҳодисалар, жумладан, сел, кўчки, ёнғин, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши ва бошқалар натижасида рептилияларнинг кўплаб сонда нобуд бўлиши кузатилади. Инсон ва унинг хўжалик фаолияти ҳам судралиб юрувчиларнинг сонининг ўзгариб туриши ва ареалининг қисқаришига таъсир кўрсатади. Айниқса, янги қурилишлар (шаҳар ва уйлар, саноат корхоналари, сув омборлар ва каналлар), йўлларда транспорт воситалари ҳаракатининг ортиши, пичан ўрилиши ва бошқа омиллар рептилиялар сонига салбий таъсир кўрсатади.

Судралиб юрувчи қанча йирик ва узунроқ бўлса йўллардан ўтаётганда транспорт воситасининг тагида босилиб нобуд бўлиш эҳтимоли шунча катта бўлади. Масалан, Қозоғистоннинг Отар станциясига бориш йўлида О.Богданов 6 бош ўқилон ва 1 бош қора илоннинг автомобиллар томонидан нобуд қилинганлигини кузатган. Аслида уша ҳудудларда қора илонларнинг учраш интенсивлиги ўқилонларга нисбатан 15-16 марта ортиқ бўлган. Бунинг

асосий сабаби қора илонларнинг ҳавф туғилганда юмалоқ бўлиб ўралиб олиши ҳисобланади, яъни транспорт воситаси тагида қолиш эҳтимоли кескин камаяди.

Биз 11.05.2018 йилда 21 км масофадаги Эгарчи бурилишидан Хатак қишлоғигача бўлган йўлда автомобилда кетиш пайтида 2 та чипор илон, 1 та бўз эчкемарнинг нобуд қилинганлигини қайд қилдик.

## 3.1. Қўриқхона ҳудудида учрайдиган тошбақалар туркумига мансуб ҳайвон турлари ва уларга биоэкологик тавсиф

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида мазкур систематик гуруҳнинг бир вакили учратилади. Ушбу тур Ўрта Осиё чўл тошбақаси ҳисобланади.

**Ўрта Осиё чўл тошбақаси – Agrionemus (Testudo) horsfieldi (Gray,1844)- Среднеазиатская (степная) черепаха .**

Ўрта Осиё чўл тошбақаси Ўзбекистондаги текисликларнинг деярли барча жойларида тарқалган. Улар соз тупроқли ва қумли чўлларда, адирларда, тоғолди ва тоғли ҳудудларда учратилади.

Тошбақалар март ойидан июнь ойигача фаол ҳаёт кечиради. Ёзги жазирама иссиқ бошланиши билан ерни ковлаб, тупроққа кўмилиб олади. Асосан ўтларнинг яшил барглари, камроқ ўсимликлар гули, замбуруғлар ва ҳашоратлар билан озиқланади.

Тошбақа ташқи кўринишдан бесунақай бўлсада, баҳорда жуда серҳаракат бўлади ва ерни осонгина қазиб, яшириниб олади. Ҳавф туғилиши билан боши ва оёғини косасининг ичига тортиб олади. Улар одатда узоқ яшайди.

Тошбақаларнинг неча ёшга кирганлигини косачасининг устки қисмидаги йиллик ҳалқалардан билиб олиш мумкин. Улар одатда 10 ёшларда вояга етади ва шундан кейин урчий бошлайди.

Баҳор давомида урғочи тошбақа олдиндан қазиб қуйган чуқурчага 2-3 марта оқ рангли қаттиқ пуст билан қопланган тухум (ҳар гал 3-5 тадан) қўяди. 70-80 кунда тухумлардан ёш тошбақачалар чиқади. Лекин, улар ер юзасига келгуси йили чиқади.

Тошбақалар баъзан ер юзасига тухум қўйиши мумкин, лекин тухумларини бошқа ҳайвонлар еб кетади.

Тошбақалар Сурхондарё вилоятининг барча туманларидаги кўчмас қумли чўл, ярим чўл, адир ва тоғ олди ҳудудларида учрайди. Сурхон давлат қўриқхонасида уларнинг сонини аниқлаш мақсадида махсус саноқ ўтказилмаган. Тошбақалар қўриқхонанинг барча бўлимлари ҳудудида денгиз сатҳидан 1200-1400 метр баландликгача бўлган бўлган ҳудудларида учратилган. Масалан, тошбақа Хўжаксар бўлими ҳудудида қўриқхона илмий ишлар буйича директор ўринбосари Т.Холиков 24.05.2014 йилда денгиз сатҳидан 1428 метр баландликдаги шувоқли ўтлоқзорда учратилганлигини қайд қилган. 12.05.2018 йилда биз Боғлидара массивида белгиланган узунлиги 2 км бўлган саноқ маршрутида 1 бош тошбақани учратдик.



**Ўрта Осиё чўл тошбақаси. Шалқон бўлими. 22.05.2017 й. 3.1-расм.**

## 3.2. Қўриқхона ҳудудида учрайдиган калтакесаклар ва уларга биоэкологик тавсиф

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида рептилияларнинг мазкур гуруҳи вакилларидан 11 тур учраши қайд қилинган. Мазкур турлар 3-жадвалда келтирилган. Қайд этилган судралиб юрувчи калтакесакларнинг 3 тури агамалар, 1 тури урчуқсимонлар, 2 тури гекконлар, 1 тури асл калтакесаклар,

3 тури сцинклар, 1 тури эчкемарлар оилаларига мансубдир. Мазкур таҳлилдан кўринадики, тур таркиби энг кўп сонда бўлган оилалар агамалар (**Agamidae)** ва сцинклар **(Scincidae)** оиласи ҳисобланади.

**3.3-жадвал**

**Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган калтакесаклар.**

| | Ўзбекча номи | Лотинча номи | Тарқалиши |
|---|---|---|---|
| | **Синф:** Судралиб юрувчилар<br>**Туркум:** Тангачалилар | **Klassis:** Reptilia.<br>**Ordo:** Squamata | |
| 1 | Туркистон агамаси | Stellio lehmanni Nikolsky,1896. | Кенг тарқалган |
| 2 | Химолай агамаси | Stellio himalayanus Steindachner,1867. | Кенг тарқалган |
| 3 | Дашт агамаси | Trapelus sanguinolentus (Pallas, 1814) | Кенг тарқалган |
| 4 | Сарик илон | Pseudopus apodus (Pallas, 1775). | Кенг тарқалган |
| 5 | Туркистон геккони | Cyrtopodion fedtschenkoi (Strauch,1887). | Кенг тарқалган |
| 6 | Силлиқ геккончa | Alsophylax laevis Nikolsky,1907. | Локал учрайди |
| 7 | Тез калтакесакча | Eremias velox (Pallas, 1771). | Локал учрайди |
| 8 | Осиё такиркўзлиси, осиё илонқуйруғи | Ablepharus pannonicus (Lichtenstein, 1823). | Кенг тарқалган |
| 9 | Олой такиркўзлиси. | Asyblepharus alaicus (Elpatjewsky,1901) | Кенг тарқалган |
| 10 | Узун оёк сцинк. | Eumeces schneideri (Daudin,1802). | Кенг тарқалган |
| 11 | Бўз эчкемар | Varanus griseus (Daudin,1803). | Локал учрайди |

Қуйида Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган айрим тур вакилларига биэкологик тавсиф берилган.

**Дашт агамаси - Trapelus sanguinolentus (Pallas, 1814).**

Мазкур тур ҳайвон Ўзбекистондаги текисликларнинг типик вакили ҳисобланади. Дашт агамаси бир мунча йирик калтакесак бўлиб, энг йирик нусхаларининг умумий узунлиги 30 см гача етади. Чўлларда ҳамма жойда

учрайди, лекин сочилувчан қумликларни, қурғоқчил тоғолди ва қояларнинг энг пастки чиқиш жойларини ёқтирмайди. Дашт агамасининг вояга етган урғочиси кичиклиги ва орқа томонида очиқ жигарранг доғлари борлиги билан эркагидан фарқ қилади. Эркакларида бу каби доғлар қўнғир тусда бўлади. Безовталанса агама тез рангини ўзгартиради, эркакларида танасининг бутун пастки қисми кўкиш тусга киради, урғочиларида орқа доғлар қизил рангга киради.

Дашт агамаси жуда эҳтиёткор бўлиб, ҳавф пайдо бўлиши билан тезда қочади ва кемирувчилар ҳамда бошқа ҳайвонларнинг инларига бекиниб олади. Кун қизиган пайтда ўсимликлар тупининг энг юқори қисмига чиқиб олиб, иссиқдан сақланади.

Кўпайиш вақтида урғочи агама узунлиги 50-60 см келадиган ин ёки чуқурча қазийди, чуқурчага ўлчами 2 см келадиган тухум қўяди. Тухумдан 35-40 кунда ёш агамалар чиқади.

Дашт агамаси ёш болаларини чумоли ва майда ҳашоратлар билан боқади, катта агамалар қўнғизлар, захкаш, ўргимчаклар, баъзан калтакесаклар билан озиқланади.

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида дашт агамалари баландлиги денгиз сатҳидан 1000 метргача бўлган жойларида, асосан Хўжанқо, Шержон, Вандоб ва Кампиртепа бўлимларининг қўриқхона чегарасига яқин жойларида учрайди.

**Туркистон агамаси (Stellio lehmanni Nikolsky,1896).**

Туркистон агамаси тоғли ҳудудларнинг типик вакили ҳисобланиб, вояга етган агамаларнинг узунлиги 40-45 см бўлади. Орқа томонида узунлиги ҳар хил ўлчамдаги ва шаклдаги ўткир учли тангачалари, думидаги тангачалари борлиги ва думидаги тангачалар ҳалқа ҳосил қилиши билан дашт агамаларидан ажралиб туради.

Одатда қояларда, камдан-кам ҳолларда тоғларга яқин жойлардаги лёссли тепаликларда яшайди. Дарахтларнинг йуғон танаси бўйлаб баландликка яхши ўрмалайди.

Туркистон агмаси июнь ойи охири ва июль ойи давомида урчийди. Урғочиси қоялар ёриғига 10-22 та тухум қўяди. Тухуми оқ рангли қалин

қобиқ билан қопланган ва узунлиги 2 см атрофида бўлади. Август ойи охирларидан ва сентябрь ойида тухумдан ёш агамалар ёриб чиқади. Туркистон агамаси асосан ҳашоратлар ва ўргимчаксимонлар билан озиқланади.

Сурхон давлат қўриқхонасида 12.05.2018 йилда ўтказилган узунлиги 500 метр бўлган ва эни 30 метр бўлган саноқ маршрутида 12 бош туркистон агамаси саналди. Қўриқхона ҳудудида агамани илонхўр бургут, чипор илонлар, кўлвор илон, бургут, қарға, ҳакка, тулки ва бошқа ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинганлиги қайд қилинган.

**Сарик илон - (Pseudopus apodus (Pallas, 1775)).**

Сариқ илон оёқсиз йирик калтакесак ҳисобланиб, мамлакатимиздаги дарёлар воҳасида, тоғ этакларида, боғларда ва суғориладиган ерларда яшайди. Ўзбекистондан ташқарида Козоғистон, Туркманистон,Тожикистон, Қирғизистон, Кавказ, Қрим, Болқон ярим оролида, Ўрта денгизбуйи мамалакатларида, Олд Осиёда ва бошқа ҳудудларда учраши қайд қилинган. Тоғларда денгиз сатҳидан 2000 мергача баландликдаги жойларгача кўтарилади. Сариқ илон ўтлар қалин ўсган жойларда яшаб, ҳавф туғилганди тезда қочиб кўздан ғойиб бўлади. Сувга ташланиши ҳам кўп кузатилган. Кемирувчилар инига, тошлар тагига ва чирмашиб кетган илдизлар орасига яшириниб олади.

Барча жойда кўзга кам ташланади. Сариқ илоннинг овқатланиш рационида молюскалар асосий ўринни эгаллайди. Улар баҳорда қўнғизлар, ёзда чигирткаларни ҳам кўпроқ ейди, бундан ташқари ҳашоратларнинг личинкалари (қуртлари), бузоқбошлар, ўргимчаклар, кўпоёқлар ва бошқаларни ҳам тановул қилаверади. Баъзан калтакесаклар билан озиқланади. Каннибализм ҳодисаси кузатилади. Июнь-июль ойларида урғочилари 8-10 тадан тухум қўяди, августда тухумдан болалари чиқади.

Табиатдаги асосий душманлари капча илон, кўлвор илон, болтаютар, илонхўр бургут ва бошқа йиртқич қушлар ҳисобланади.

Сурхон давлат қўриқхонасида сариқ илоннинг сонини аниқлаш мақсадида биз 12.05.2018 йилда узунлиги 500 метр масофадаги маршрутда саноқ ўтказдик, саноқ даврида маршрут бўйлаб 2 бош сариқ илон учратилди. Қўриқхонанинг барча ҳудудларида кенг тарқалган.

**Олой такиркўзлиси (Asyblepharus alaicus (Elpatjewsky,1901)).**

Олой тақиркўзли калтакесаги тоғли районларнинг барча ҳудудларида учрайди. Қалин ўт қоплами бўлган ёнбағирларда, камроқ ўрмон массивларида, денгиз сатҳидан 3800 метргача бўлган қояларида ва тош-шағалли уюмларида яшайди.

Олой тақиркўзлиси бир мунча йирикроқ бўлиши билан бошқа тақиркўзли калтакесаклардан фарқ қилади. Узунлиги 6-7 см га етади, тана тузилиши йирик. Олой тақиркўзли калтакесагининг характерли хусусияти шундан иборатки, урғочилари тухумларини ўзоқроқ вақт мабойнида сақлаб юради ва тирик бола туғади. Бу эса совуқ шароитларда наслининг яшовчанлигини оширади. Асосан ҳашоратлар, ўргимчаклар ва молюскалар билан овқатланади.

Сурхон давлат қўриқхонасининг деярли барча ҳудудларида учрайди. Бизнинг тадиқотларимиз даврида 12.05.2018 йилда Чулбайир ҳудудида (Хатак бўлими) бир бош тақиркўзли калтакесак қўзғолмайдиган харсанг тош тагига тезда кириб кетганлигини қайд қилдик.

Сурхон давлат қўриқхонасидаги дала тадқиқотлари даврида биз юқорида таърифлари келтирилган калтакесаклардан ташқари бўз эчкемар, тез калтакесакча, туркистон геккони ва силлиқ геккончани учратдик. Бўз эчкемар ноёб ҳайвонлар тоифасига киритилганлиги учун унга кейинги бобларда таъриф берилади.

### 3.3. Қўриқхона ҳудудида учрайдиган илонлар туркумига мансуб ҳайвон турлари ва уларга биоэкологик тавсиф

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида рептилияларнинг мазкур гуруҳи вакилларидан 11 тур учраши қайд қилинган. Мазкур турлар 4-жадвалда келтирилган. Сурхон давлат қўриқхонасида учраши аниқланган илонлар

тангачалилар туркумига мансуб бўлиб, улар 6 оила вакиллари ҳисобланади. Улардан тур сонининг кўплиги жиҳатидан сувилонлар (Colubridae) оиласи алоҳида ажралиб туради. Мазкур оила вакиллари 6 турдан ташкил топган. Бўғма илонлар (Boidae) 1 турдан, аспидлар (Elapidae) оиласи 1 турдан, кўрилонлар (Typhlopidae) оиласи 1 турдан ва қора илонлар (Viperidae) оиласи 2 турдан ташкил топган. Лекин, илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатади-ки, мазкур таркиб тўлиқ эмас, чунки чипор илонларнинг бошқа турлари ҳам илмий адабиётларда Кухитанг тоғи ҳудудида учраши тўғрисида маълумотлар бўлса-да, қўриқхона ходимлари томонидан учратилмаганлиги сабабли руйхатга киритилмаган. Қуйида қўриқхона ҳудудида учрайдиган айрим илон турларига биоэкологик тавсиф берилган.

**3.4-жадвал.**

**Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган илонларнинг тур таркиби.**

| | Ўзбекча номи | Лотинча номи | Тарқалиши |
|---|---|---|---|
| | **Синф:** Судралиб юрувчилар<br>**Туркум:** Тангачалилар | **Klassis:** Reptilia.<br>**Ordo:** Squamata | |
| 1 | Қум буғма илони | Eryx miliarus (Pallas, 1773). | Кенг тарқалган |
| 2 | Бойга | Boigo trigonatum (Schneider,1802). | Локал учрайди |
| 3 | Сувилон. | Natrix tessellata (Laurenti,1768). | Кенг тарқалган |
| 4 | Ранг-баранг чипор илон. | Coluber ravergieri Menetries,1832 | Кенг тарқалган |
| 5 | Нақшдор чипор илон, гулдор чипор илон. | Elaphe dione (Pallas, 1773). | Кенг тарқалган |
| 6 | Кўндаланг йулли чипор илон | Coluber karelini Brandt,1838 | Кенг тарқалган |
| 7 | Ўқилон. | Psammophis lineolatum Brandt,1838. | Локал учрайди |
| 8 | Ўрта Осий кобраси, капча илон, кўзойнакли илон | Naja oxiana (Eichwald, 1831). | Кенг тарқалган |
| 9 | Кўрилон | Typhlops vermicuaris | Кенг тарқалган |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | Merrem, 1820. | |
| 10 | Қум чархилони | Echis multisquamatus, Cherlin,1981 | Локал учрайди |
| 11 | Гюрза ёки кўлвор илон | Vipera lebetina (Linnaeus,1758) ssp. turanica. | Кенг тарқалган |

**Қум буғма илони (Eryx miliarus (Pallas, 1773)).**

Қум буғма илони асосан юмшоқ сабстратли жойларни ёқтиришади, чунки улар тупроқ ва қумга кўмилиб олиб душманларидан ғимояланишади. Қум буғма илони узунлиги 80-90 см га етадиган илон бўлиб ранги тўқ қум рангида бўлади, танасининг орқа қисмида чиройли шаклдаги жигарранг ёки қўнғирранг нақшлари бўлади. Асосан тунда ва кечқурун фаол ҳаёт кечиради, кундуз кунлари қумга ёки тупроққа кўмилиб ётади. Куҳитанг тоғида денгиз сатҳидан 1500-1800 метр баланликдаги жойларда ҳам учратилган (Вандоб бўлимидаги кўмир шахтаси ёнида Т. Холиков 28.05.2014 йилда учратган).

Буғма илон май ойида уруғланади, тухуми урғочи танасининг бўшлиғида ривожланади ва ўнтагача тирик бола туғади. Асосан қушлар тухуми, майда кемирувчи ва қушлар, калтакесаклар билан озиқланади.

Қум буғма илони Сурхон давлат қўриқхонасининг тупроқли ҳудудларида кўп учратилади.

**Сувилон. Natrix tessellata (Laurenti,1768).**

Сувилон йирик илонлардан бири бўлиб, ҳаёти сув ҳавзалари билан чамбарчас боғлиқ. Уларни бевосита қирғоқларга яқин бўлган сувда ёки сувдан унча узоқ бўлмаган зах жойларда учратиш мумкин. Ранги ўзгарувчан, лекин танасининг орқаси бўйлаб шахмат шаклида қорамтир доғлар бўлади. Қорни қизғиш ёки тўқ сарғиш рангда бўлиши билан бошқа илонлардан фарқ қилади.

Ўзбекистонда Сирдарё, Амударё ва уларнинг ирмоқларида кенг тарқалган, Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг барча сув ҳавзаларида учрайди. Кўллар, ҳовузлар, зовурлар ва суғориш тармоқларида ҳам мунтазам учратилади. Тоғларнинг сой ва жилғаларида ҳам яшайди. Қуруқликда

қишлайди ва кўпаяди. Июнь-июль ойларида зах жойлардаги инларга ёки тошлар тагига 5-12 та тухум қўяди.

Сувилонлар асосан балиқлар билан озиқланади, бақа ва қурбақалардан ҳам бош тортмайди. Балиқларни баъзан фаол равишда қувиб ўлжа қилса, баъзан ўлжасини пойлаб узоқ кутади. Ўлжаси ёнига келган пайтда кескин ҳужум қилиб уни тишлаб олади. Бир неча марта ўлжасини тишлаб ағдаради ва бошидан ютади. Одам учун ҳавфли эмас, лекин балиқчиликка зарар келтириши мумкин.

Сурхон давлат қўриқхонасининг барча сой ва жилғаларида учратилади. Бизнинг тадқиқотларимиз даврида Тангидеволсой ўзани буйлаб 200 метр масофада 2 бош сувилонни учратилганлигини қайд қилдик. Сувилон учун алоҳида муҳофаза чоралари талаб қилинмайди.

**Ранг-баранг чипор илон (Coluber ravergieri Menetries,1832).**

Ранг-баранг чипор илон ҳаддан ташқари ўзгарувчан рангли бўлганлиги учун шундай ном олган. Чипор илоннинг танаси кулранг ёки оч яшил рангда бўлиб, орқа томонида кўплаб кундаланг қорамтир доғлари бўлади. Бироқ бу хилдаги доғлари бўлмайдиган нусхалари ҳам учраб туради. Баъзан фақат боши, камдан-кам ҳолларда бутун танаси қора рангли бўлган нусхалари ҳам учрайди. Уларнинг узунлиги 1,5 метргача етади.

Ранг-баранг чипор илон тоғлар этагида, соз тупроқли жарликларда учрайди. Кўпинча хароба уйларга ҳамда харобаларга кириб, чордоқларга яширинади. Дарахтларга яхши ўрмалаб чиқади, тошлар остига ва кемирувчилар инига яширинишга уста илон ҳисобланади. Урғочилари бештадан ун бештагача тухум қўяди. Одам учун ҳавфли эмас. Асосан қушлар, уларнинг тухумлари билан озиқланади. Баъзан майда сутэмизувчилар, кемирувчилар, калтакесаклар билан ҳам озиқланади.

Сурхон давлат қўриқхонасида ранг-баранг чипор илонни денгиз сатҳидан 2000 метргача бўлган жарликлар, тупроқли жойларда тез-тез учратиш мумкин. Бизнинг олиб борган мониторингимиз даврида мазкур илон тури учратилмади.

**Гюрза ёки кўлвор илон (Vipera lebetina (Linnaeus,1758) ssp. turanica).**

Гюрза ёки кўлвор илонни Шалқон ва Кампиртепа қишлоғидагилар (мазкур қишлоқлар Сурхон давлат қўриқхонаси атрофида жойлашган) гулсим, ҳам деб аташади. Бундай деб номланишига сабаб гюрзанинг аксар ҳолда яшилтоб рангда бўлишидир. Кўлвор илон мамлакатимиздаги йирик заҳарли илонлардан бири бўлиб, танасининг узунлиги 1,8-2 метрга етади. Думи калта ва танаси йўғон бўлади. Боши бошқа кўпчилик заҳарли илонларники каби учбурчак шаклида, ингичка буйин билан танадан ажралиб туради. Орқасидаги тангачаларида буртиб чиққан узун йўли бўлади. Умумий ранги ўзгарувчан. Ҳар хил районларда ё қўнғир, ё тўқ сариқ рангда товланадиган нусхалари устунлик қилади. Орқаси бўйлаб ноаниқ шаклдаги қўнғир ёки жигарранг доғлари бор.

Мазкур илон Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий районларида кенг тарқалган. Тоғлар бағрида яшаб, жарликларда, тоғ қияликларида, даралардаги ўт ва буталар орасида, тош уюмлари остида ва бошқа жойларни ўзига макон қилган. Кўлвор илонларнинг овқатланиш рациони жуда кенг. Уларнинг ошқозонидан 50 дан ортиқ турдаги қушлар (чумчуқсимонлар, каптарсимонлар, товуқсимонлар ва бошқалар), 14 тур сутэмизувчи (қуён, кемирувчилар ва бошқалар), 11 тур рептилия, 1 турдан амфибиялар вакили ва бузоқбош (фаланга) топилган.

Кўлвор илонлар 3-4 ёшида вояга етишади, апрель-май ойларида жуфтлашади. Июль-август ойларида тухум қўяди. Тухумидан ёш илонлар август-сентябрь ойларида чиқишади.

Кўлвор илонларнинг табиатдаги душманлари бўз эчкемар, капча илон, чарх илон, илонхўр бургут, мушуклар ва бошқа ҳайвонлар ҳисобланади.

Бизнинг олиб борган тадқиқотларимиз даврида 2 марта кўлвор илон учратилди (12.05.2018 йил, Хатак бўлими). Улар асосан тушки пайтда булоқ ёнида сув ичиш учун келадиган қушларни пойлаб дарахтда ётган пайтда учратдик. Маълумотларга кура кўлвор илонлар Куҳитанг тоғида денгиз

сатҳидан 2000 метргача баландликкача учратилади. Қўриқхона атрофидаги қишлоқлардаги боғлар, одамларнинг томорқаларида ҳам тез-тез учраб туради

Кўлвор илоннинг чақиши инсон ҳаёти учун жуда ҳавфли, кўпинча ўлим билан тугайди. Захаридан тиббиётда турли малҳамлар тайёрлашда фойдаланилади, зидди захар-зардоб тайёрланади.

Қўриқхона ходими Т. Холиковнинг маълумот беришича, бундан уч йил муқаддам қўриқхона инспектори бўлиб ишлаган ва Шалқон қишлоғида яшовчи Д. Норраевнинг турмуш уртоғи мол боқиб юриб, катта тош устига ўтирган пайтда (Бешболасой деган жойда) тош тагида ётган кўлвор илон оёғидан бир неча марта чаққан, оқибатда тоғ шароити ва зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш имкони йўқлиги сабабли жабрланувчи қишлоққа етмасдан вафот этган.

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳайвонот дунёси саноғи маълумотларига кўра саноқ даврида кўлвор илоннинг учратилиш сони 68 бошни ташкил қилган, энг кўп учратилиш Хатак, Шалқон ва Вандоб бўлимлари ҳудудида қайд қилинган.

3.5-**жадвал.**

**Сурхон давлат қўриқхонаси худудида 2018 йил 17-20 май кунлари ўтказилган бахорги ҳайвонот дунёси саноғи даврида судралиб юрувчиларнинг аниқланган сони**

| Тур | Хўжаксар маршрути | Хатак маршрути | Хўжанқо маршрути | Қизилолма маршрути | Шалқон маршрути | Кампиртепа маршрути | Шержон маршрути | Вандоб маршрути | жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Капчабош илон | 2 | 12 | 4 | 10 | 4 | 3 | 4 | 17 | 56 |
| Кўлвор илон | 6 | 14 | 7 | 9 | 14 | 4 | - | 14 | 68 |

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳайвонот дунёси руйхатида муқаддам илмий адабиётларда учратилиши қайд қилинган судралиб юрувчилардан кундаланг

йўлли бўритиш илон, холдор чипор илон ва бошқа илонларнинг киритилмаганли мазкур ҳудудларда судралиб юрувчилар систематикаси тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатади.

## 3.4. Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган ноёб судралиб юрувчи ҳайвон турлари ва уларни муҳофаза қилиш.

Сурхон давлат қўриқхонасида юқорида қайд қилинганидек, судралиб юрувчилар синфига мансуб ҳайвонларнинг 23 тури учраши қайд қилинган. Мазкур турлардан 3 тур ҳайвон Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби” га киритилган, жумладан, капча илон (Naja oxiana (Eichwald, 1831)), ҳинд бойгаси (Boiga trigonatum (Schneider, 1802)ssp. melanocephala (Annandale, 1904)) ва бўз эчкемар (Varanus griseus (Daudin, 1803) ssp. caspius (Eichwald, 1831)) ана шундай ноёб турлар ҳисобланади. Қуйида мазкур тур ҳайвонларнинг Сурхон давлат қўриқхонасида учратилишига доир маълумотлар келтирилган.

### Капча илон ёки туркистон капчабош илони (Naja oxiana (Eichwald,1831).

Илонларнинг аспидлар оиласига мансуб бўлган табиий ноёб бу тури жуда заҳарли, лекин инсонларни чақиш ҳолатлари жуда кам. Захари доривор малҳамлар тайёрлашда ишлатилади. Капча илон ёки туркистон капчабошли илони заифларга яқин, мозаик тарқалган (3(NT)) муҳофазага муҳтож тур сифатида Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби”га, ТМХИ Қизил руйхатига эса DD-тоифасида, СИТЕС нинг 2-иловасига киритилган.

Капча илонни кўпгина илмий адабиётларда Ўрта Осиё кобраси, кузойнакли илон, деб ҳам номлашади. Капча илоннинг узунлиги 175-180 см гача бўлади, баъзан 2 метрдан ортиқ узунликдаги вакиллари ҳам учратилиб турилади. Танаси силлиқ тангачалар билан қопланган бўлади. Вояга етган вакиллари зайтунранг, кулранг, қўнғир ёки деярли қора рангда бўлади, қорин қисми оч сарғиш рангли. Ёшларида кундаланг йўллари бўлади. Безовта қилинганда илон танасининг олдинги томонини ердан тик кўтариб, бўйнининг икки томонини шиширib, вишиллаган овоз чиқаради.

Капча илонлар Ғарбий Помир Олой тоғ тизмасида, Марказий ва Жанубий Қизилқум, Қарши чўлларида кенг тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида эса Туркманистоннинг жанубий қисми, Тожикистон ҳамда Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмларида учрайди.

Шағал ва тупроқли адирлар, қолдиқ тоғлар ва д.с.б. 2000 метргача бўлган тоғлар, дарё қайирлари ва воҳалар, баъзан чўл ва ярим чўлларни ўзининг яшаш жойлари сифатида танлаган .

1980-йилларда жанубий ҳудудларда (Бобтоғ этаклари, Сандиқличўл) 1,5 гектар майдонда 1 дона учратилар, ўртача зичлиги 1 кв. км майдонда 0,5-5 тани ташкил этар эди. Ҳозирда айрим яшаш жойларида бутунлай йуқ бўлиб кетган, қолганларида эса сони камайиб кетган. Сурхон давлат қўриқхонасининг барча ҳудудларида учрайди. 2014 йил баҳорги саноқ даврида уларнинг сони 50-55 бош эканлиги аниқланди. 2014 йил баҳорги саноқ даврида 37-40 учратилган. 2016 йилги баҳорги саноқ даврида 53 бош, 2017 йилги баҳорги саноқ даврида 56 бош учраши қайд этилган. Яъни, капча илоннинг зичлиги қўриқхона ҳудудида 1 гектар ерга 0,0024 ни ташкил қилади.

Март-октябрда, ёзда - асосан тунлари фаол, тупроқ ёриқлари, тошлар ости, кемирувчи ва тошбақалар инларига яширинади, ўша ерда қишлайди. Май ойида жуфтлашади. Июлда 6-19 та тухум кўяди. Боласи сентябрда тухумдан чиқади, 3-4 ёшда жинсий вояга етади. Судралиб юрувчилар, бақалар, айрим ҳолларда майда қуш ва сут эмизувчилар билан озиқланади.

Капча илонларнинг сони ва популяцияларининг қисқаришига ерларнинг ўзлаштирилиши, одамлар томонидан таъқиб қилиниши кучли таъсир кўрсатган.

Капча илонларнинг қўриқхона ҳудудида асосий учратилиш жойлари Тангидеволсой, Боғлидара, Қўрчиқ, Инғирчоқ, Даройиғулдара, Қуруққулдара ва бошқа ҳудудлар ҳисобланади. 08.05.2018 йилда 2 км масофали Боғлидара маршрутида биз 1 бош капча илонни учратдик. Мазкур илон қўриқхона атрофидаги қишлоқлар атрофида мунтазам учратилади, баъзан уйларга ҳам

кириб қолади. Капча илоннинг инсонларни мазкур ҳудудларда чаққанлиги тўғрисида маълумотлар йўқлигини қайд этдик. Лекин, Шеробод шаҳрида яшовчи, илонлар билан томоша кўрсатиб келаётган Б.Пардаевни 2018 йилнинг май ойи бошларида ўзининг боқувидаги капча илон чақиб олганлиги, морбоз эса кома ҳолатида шифохонага тушганлиги, 4-5 кундан кейин тезкор даволашлар самарасида беморнинг ҳаёти сақлаб қолинганлигини эшитдик.

### Ҳинд бойгаси (Boiga trigonatum (Schneider, 1802)ssp. melanocephala (Annandale, 1904)).

Илонларнинг сувилонлар оиласига мансуб бўлган мазкур тури заиф, табиатан камёб, локал тарқалган кенжа тур (2 (VU:R)) сифатида Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби”га киритилган.

Ҳинд бойгаси Сурхондарё вилоятининг жануби, Қизилқум чўлининг Туркманистон билан чеградош худудларида учрайди. Ўзбекистондан ташқарида Тожикистон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон да тарқалган. Ҳиндистон, Покистон ва Шри-Ланкада бошқа кенжа тури кенг тарқалганлиги қайд этилган.

Бойганинг ташқи кўриниши жуда ажоуиб бўлиб, узунлиги бир метрга яқин, танасининг ён томонлари сиқиқ, уст томонидаги чўққиси бўртиб чиққан бўлади. Чўққиси бўйлаб жойлашган ўрта қатор тангачалари йирик бўлади, боши катта ва тўмтоқ, уст томони қорамтир бўлиб, кўкишсимон товланади. Умумий ранги қўнғир бўлиб, сариқ ёки кулранг тусда товланиб туради, орқасида оч тусдаги сийрак кундаланг доғлари бўлади. Заҳари инсонлар учун ҳавфли эмас.

Бойга қум ва тупроқли чўллар, жар ва ўнгирлар, тоғларнинг пастки қисмларидаги сийрак ўт-бутали тошли қияликлар, далалар ва эски турар жойларни ўзларига яшаш жойлари сифатида танлайди. Ўзбекистонда саноқли топилмалари маълум. Жумладан, Сурхон давлат қўриқхонасида

Шалқон бўлими ҳудудида жойлашган Сурхон болалар оромгоҳи яқинида тошлар тагига кириб кетаётганлигида 08.09.2016 йилда учратилган.

Апрель-октябрда тунлари фаол ҳаёт кечиради, кундузи тупроқ ёриқларида, тошлар тагида, жарликлардаги қушлар уясида ёки кемирувчилар инида жон сақлайди ва шу ерда қишлайди ҳам. Дарахт ва томларда тез ўрмалайди. Тахминан май ойида жуфтлашади. Июнь-июлда 3-11 тухум қўяди, боласи сентябрь-октябрда тухумдан чиқади. Калтакесак ва қушлар билан озиқланади. Ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида сони камайиб кетган. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Сурхон давлат қўриқхонасида популяцияси умуман урганилмаган.

**Бўз эчкемар (Varanus griseus (Daudin, 1803) ssp. caspius (Eichwald, 1831).**

Эчкемарлар оиласига мансуб бўлган калтакесакларнинг ноёб бу тури заиф, қисқариб бораётган ва мозаик тарқалган кенжа тур (2(VU:D)) мақоми билан Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби”га ва СИТЕС-нинг I-Иловасига киритилган.

Ўзбекистонда Жанубий Оролбўйидан Фарғона водийсигача бўлган текисликларда тоғ ва тоғолди ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг жануби, Афғонистон, Эрон. Осиёнинг Ғарби-жанубида учрайди, Шимолий Африка, Ҳиндистон, Покистонда бошқа кенжа турлари тарқалган.

Бўз эчкемар Ўзбекистон фаунасидаги энг йирик калтакесак бўлиб, узунлиги думи билан бирга ҳисоблаганда 1,5 метрга етади. Ранги оч ёки тўқ бўз тусли, боши қорамтир рангда бўлиб, танаси ва думида кундалангига қўнғир тусдаги йўллари бўлади. Эчкемар қўрқитиш ҳолатида танасини кучли шиширади ва айри тилини осилтириб қаттиқ овозда вишиллайди. Асабийлашган эркакларида боши кўкимтир тусга киради. Думини ерга қаттиқ ва кескин уради.

Бўз эчкемарнинг яшаш жойлари чўлларнинг қумли ва тупроқли ерлари, текислик ва тоғларнинг пастки қисмларидаги (д.с.б 1000 м.гача) дарё

воҳалари ҳисобланади. Сурхондарё вилоятида Каттақум, Музрабод, Пошхўрт, Бандихон массивларида, Келиф паст тоғларида, Бойсун ва Боботоғ тоғларининг тоғолди ҳудудларида учратилади. Сурхон давлат қўриқхонасининг Вандоб, Шержон ва Хўжанқо бўлимлари ҳудудларида учраши қайд қилинган.

Бўз эчкемарнинг сони 1970-йилларда Ўзбекистондаги локал популяцияларда ҳар гектарига 3-6 таси ҳисобга олинар эди. 1990-йилларнинг бошларида уларнинг умумий сони 45 мингга, алоҳида Фарғона популяциясида эса 200 га яқин бўлган. Ҳозирда аксарият яшаш жойларида йўқ бўлиб кетган, қолганларида эса жуда кам сонли. Кундузги саёҳат вақтида 2-5 тагача учратиш мумкин. Қўриқхона ҳайвонот дунёси саноғи даврида уларнинг қайд қилинган сони 2014 йил баҳорги саноқ даврида 12-14 бош эканлиги аниқланган, 2016-2017  йилги баҳорги саноқ даврида қўриқхона ҳудудида учратилмаган, лекин мониторинг даврларида Хўжанқо, Вандоб ва Шержон бўлимлари ҳудудида 2017 йил давомида 6 бош бўз эчкемар учратилганлиги қайд қилинган.  Бизнинг тадқиқотларимиз даврида бўз эчкемар учратилмади.

Бўз эчкемар апрель-октябрь ойларида асосан кундуз кунлари фаол ҳаёт кечиради. Тунда катта қумсичқон ва тулкилар ташлаб кетган уяларида беркинади, кўпинча уша ерда қишлайди ҳам. Май-июнь ойларида жуфтлашади. Июнь-июлда 6-20 тухум қўяди. Тухумдан чиққан болалари ер юзига бир қишловдан сўнг чиқади, 3 ёшдан ошганда жинсий вояга етади. Ҳашаротлар, судралиб юрувчилар, қушлар ва уларнинг тухумлари, майда сутэмизувчилар билан озиқланади.

Бўз эчкемар популяциясининг қисқариб бораётганлигига асосан чўл зоналарида қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, айниқса шудгорлаш ва суғориш, инсон томонидан таъқиб қилиниши, йўлларда автотранспортдан нобуд бўлиши (Қизилқумда 400 км масофада 46 та нобуд бўлгани қайд қилинган) сабаб бўлмоқда.

# ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Кухитанг тоғи ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар, Сурхон давлат қўриқхонасида кейинги йилларда судралиб юрувчи ҳайвонлар биоэкологиясига доир тўпланган маълумотларни ўрганиб чиқиш натижалари шуни кўрсатадики, Сурхон давлат қўриқхонаси ва унинг атрофидаги ҳудудларда табиатни муҳофаза қилиш ишларининг бир мунча талаб даражасида эканлиги натижасида ҳайвон турларининг муҳофаза қилиниши бир мунча қониқарлидир. Лекин, уларни тўлиқ мажмуавий тарзда илмий асосда ўрганиш ва ёввойи ҳайвонлар тарқалган қўриқхонага туташ ҳудудларнинг муҳофаза қилинишини кучайтириш лозим.

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида судралиб юрувчилар синфи (**Reptilia)** вакилларининг 23 тури аниқланган, улардан 3 тур ҳайвон Ўзбекистон Республикаси "Қизил Китоб"ига киритилган. Ушбу тур ҳайвонлар **туркистон капчабош илон (Naja oxiana), ҳинд бойгаси (Boiga trigonatum (Schneider, 1802)ssp. melanocephala (Annandale, 1904)) ва буз эчкемар (Varanus griseus)** турларидир.

Сурхон давлат қўриқхонасида учрайдиган судралиб юрувчилар синфи вакиллари 2 та туркум вакиллари ҳисобланади, мазкур туркумлар тошбақалар (Testudines) ва тангачалилар (Squmata) туркумлари бўлиб, тошбақалар туркумининг 1 тури, тангачалиларнинг 22 тури руйхатга киритилган.

Қайд этилган судралиб юрувчиларнинг 1 тури қуруқлик тошбақалари оиласига, 3 тур агамалар, 1 тур урчуқсимонлар, 2 тур гекконлар, 1 тур асл калтакесаклар, 3 тур сцинклар, 1 тур эчкемарлар, 1 тур бўғма илонлар, 6 тур сувилонлар, 1 тур аспидлар, 1 тур кўрилонлар ва 2 тур қора илонлар оилаларига киради. Мазкур таҳлилдан кўринадики, тур таркиби энг кўп сонда бўлган оила сувилонлар (**Colubridae)** оиласи ҳисобланади.

Сурхон давлат қўриқхонасида судралиб юрувчиларни систематик ва биоэкологик жиҳатдан урганиш якунланмаган ва келгусида мазкур синф

вакилларини мажмуавий тарзда урганиш ишларини амалга ошириш талаб қилинади.

Куҳитанг тизмасига туташ ҳудудларни муҳофаза қилиш талаб этилиб, бирор бир турдаги муҳофаза этиладиган ҳудуд ташкил этилиши ёки Сурхон давлат қўриқхонасининг майдонини кенгайтириши лозим.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўриқхона атрофидаги ҳудудларда турли ҳайвонларнинг, жумладан судралиб юрувчи ҳайвонларнинг ареали кенгайиши, популяциялари ривожланишига тўсқинлик қилаётган қуйидаги омиллар аниқланди:

А) Инсон хўжалик фаолияти натижасида ҳайвонларнинг яшаш муҳитининг деградацияси, яъни бузилиши. Овқат манбаларининг камайиши, чорва молларининг кўплаб боқилиши, ўсимлик қопламининг йўқолиши ва бошқалар оқибатида Сурхон давлат қўриқхонаси атрофидаги ҳудудлар табиати кескин деградацияга дучор бўлганлиги аниқланган.

Б) Экологик тушунчаларнинг аҳолида етишмаслиги. Бу омил натижасида одамлар тушунмаган ҳолда бевосита ҳайвонларни ўлдиради ёки уларнинг овқати бўлган ҳайвон турларини қириб юбориши натижасида ҳайвонлар сони камаяди.

В) Ноқонуний овчилик ёки браконьерлик. Бевосита ҳайвонларни овлаш ёки эрмак мақсадида ўлдириш ҳоллари кўп кузатилади.

С) Нобуд бўлган чорва молларини заҳарлаш ва бошқа омиллар.

Тўпланган маълумотларни қайд килиш шуни курсатадики, Куҳитанг тоғида яшайдиган барча ҳайвонлар ўзаро бир-бири билан овқатланиш занжири орқали боғланган бўлиб, уларнинг бирортасида биоэкологик жиҳатдан ўзгариш содир бўлса, бу бошқа турларнинг биоэкологик хусусиятларида ўз аксини топади. Шу сабабли, табиат мувозанатини бузмаслик учун, Куҳитанг тоғидаги ҳайвонларнинг генофондини сақлаб қолиш учун қўриқхонада муҳофаза тадбирларини кучайтириш билан бир қаторда, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар

майдонини кенгайтириш, илмий ишлар, жумладан ҳайвонларни систематик урганиш ишларини янада кучайтириш талаб қилинади.

Зеро, табиат ва унинг унсурларини урганиш ҳамда уни кўз қорачиғидек асраш бугунги авлоднинг келажак авлоддан олган қарзи эканлигини унутмаслигимиз, ушбу омонат-қарзни келажак авлодга тўкис ҳолда етказишимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини доимо ёдда сақлашимиз лозим.

Юқоридаги фикрлар, маълумотлар таҳлили ва хулосаларни урганиб чиққан ҳолда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни қамраб олган қуйида таклифларимиз келтирилган.

**Таклифлар:**

1. Сурхон давлат қўриқхонасида ҳайвонот дунёсини урганишга доир мажмуавий илмий тадқиқотларнинг мунтазам ўтказилишини ташкил қилиш.

2. Сурхон давлат қўриқхонасининг ҳудудини ёввойи ҳайвонлар учрайдиган ҳудудлар (Кўлват, Панжоб, Зарвус массивлари, Жанубий ва Шимолий Келиф-Шеробод паст тоғлари) ҳисобига кенгайтириш ва қўриқхонада муҳофаза ишларини кучайтириш, Бойсун ўрмон хўжалигида ҳайвонларнинг аниқ сонини ҳисоблаб боришни йўлга қўйиш, парваришхоналар ташкил этиш, юқорида қайд этилган ҳудудларда ёввойи ҳайвонлар, жумладан судралиб юрувчиларнинг учраши ва популяцияларининг аҳволини аниқлаштириш мақсадида кенг қамровли тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда қўшни Туркманистон Республикаси билан алоқаларни яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

3. Қўриқхона атрофидаги ҳудудда илонларни кўпайтириш, илмий жиҳатдан урганиш ишларини амалга ошириш, тиббиётда зурур бўлган моддалар олишни ташкил қилиш мақсадида питомниклар, серпентарийлар ташкил қилиш лозим.

.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Каримов И. Ўзбекистон XXIаср бўсағасида: Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1997.
